

№4/2025

*Xalqaro ilmiy jurnal*

# STRATEGIK

ISSN 2992-9032

# KUCH



**19** ИНФОРМАЦИОННО АНАЛИТИЧЕСКИЕ  
ПОДХОДЫ К ИЗУЧЕНИЮ СОЦИАЛЬНЫХ  
ПРОЦЕССОВ: РЕТРОСПЕКТИВА И  
СОВРЕМЕННЫЕ ПАРАДИГМЫ

**31** JAMOATCHILIK KENGASHLARI  
YIG'ILISHLARIDA IJRO TIZIMIDAGI  
VAZIFALAR MUHOKAMASI

№4.2025

*Xalqaro ilmiy jurnal*

# STRATEGIK

# KUCH

ISSN 2992-9032

Bosh muharrir:  
Q.Q Quranbayev

Ma'sul muharrir:  
A.T. Jalilov  
A.Z. Sa'dullayev  
A.S. Begmatov  
A.T. Jalilov  
A. Kawano  
A. Ospanova  
K.B. Qodirov  
A.B. Yunusov  
N.I. Mingbayeva  
CH.X. Mirxoliqova  
A.J. Qaxxorov  
Z.T. Luxmanova  
E.Sh. Elmurodov  
S.B. Abduraxmonov  
T.O. Shodiyev  
D.A. Choriyeva

Tahririyat jamoasi:  
A.T. Onorov  
S.H. Diyorov

Dizayner:  
S.S. To'rayev

*2022-yil asos solingan*

Muassis:

O'zbekiston Respublikasi Yoshlar ishlari  
agentligi huzuridagi Yoshlar muammolarini  
o'rganish va istiqbolli kadrlarni tayyorlash  
instituti

Tahririyat manzili:  
100066, Toshkent,  
Islom Karimov, 45.  
Telefon: 71-232-61-31  
E-mail: info@yomi.uz

Jurnal O'zbekiston Respublikasi Matbuot va axborot agentligi tomonidan 2022-yil 11-avgust 1696-son bilan ro'yxatga olingan.

Maqolalarda keltirilgan iqtiboslar, dalillar, raqamlar va ma'lumotlarning aniqligi uchun mualliflar javobgar. Jurnaldan ko'chirib bosilganda manba ko'rsatilishi shart.

Guvohnoma №1696. 11.08.2022. Toshkent, Islom Karimov, 45.

Avaz QAXXOROV, Sanobar MAJIDOVA.  
XITOIY RAQAMLI IQTISODIYOTINING RIVOJLANISH YO‘LI:  
MAVJUD HOLAT, STRATEGIK MAQSADLAR, GLOBAL  
IMKONIYATLAR VA ISTIQBOLLAR .....4

Гуванч ДАВЛЕТОВ, Адхамжон ХУДОЙКУЛОВ,  
Куанышбай СЕЙТНАЗАРОВ.  
ИНФОРМАЦИОННО-АНАЛИТИЧЕСКИЕ ПОДХОДЫ  
К ИЗУЧЕНИЮ СОЦИАЛЬНЫХ ПРОЦЕССОВ:  
РЕТРОСПЕКТИВА И СОВРЕМЕННЫЕ ПАРАДИГМЫ.....19

To‘ychi AXMEDOV.  
JAMOATCHILIK KENGASHLARI YIG‘ILISHLARIDA IJRO  
TIZIMIDAGI VAZIFALAR MUHOKAMASI.....31

Abdivahob ONOROV, Sanjar ABDURAXMONOV,  
Sardorbek DIYOROV.  
YOSHLAR TUSHUNCHASINING ILMIY TAHLILI.....35

Ra‘no AXMEDOVA.  
O‘ZBEKISTON YOSHLARI FAROVONLIGINING TAHLILI:  
JAHON QADRIYATLARI TADQIQOTI (WORLD VALUES  
SURVEY) MA‘LUMOTLARI ASOSIDA.....40

Нодирхон АББОСОВ.  
ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ  
УСУЛЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ МУҲИМ  
ЖИҲАТЛАРИ.....48

R.K. OLLABERGANOVA, M.Q. RAJABOVA.  
ZAMONAVIY PEDAGOGIK TEXNOLOGIYALARNING  
MOHIYATI VA XUSUSIYATLARI.....54

# ХИТОЙ РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ЙЎЛИ: МАВЖУД ҲОЛАТ, СТРАТЕГИК МАҚСАДЛАР, ГЛОБАЛ ИМКОНИЯТЛАР ВА ИСТИҚБОЛЛАР

Аваз ҚАХХОРОВ,

Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли  
кадрларни тайёрлаш институти доценти,  
и.ф.ф.д. (PhD).

Санобар МАЖИДОВА,

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар  
Маҳкамаси ҳузуридаги Бизнес ва тадбиркорлик  
Олий мактаби мустақил тадқиқотчиси.

**Аннотация:** Мазкур мақола, Хитой рақамли иқтисодиётини ривожланишининг ўзига хослиги, унда рақамли трансформацияларни амалга ошириш эволюцияси, рақамли ривожланиш бўйича давлат сиёсати ва стратегиялари ҳамда рақамли иқтисодиётга ўтиш йўли ва эришилган ютуқларига бағишланган бўлиб, муаллиф томонидан, Хитойнинг глобал бозорга чиқиши ва рақамли ривожланиш истиқболлари ўрганилган, шунингдек, рақамли иқтисодиётни ривожланиш йўналишлари эконометрик таҳлил қилиниб, унинг тажрибасини Ўзбекистоннинг рақамли ривожланиш мақсадларига қўллаш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** рақамли трансформация, рақамли технология, рақамли иқтисодиёт, Буюк Хитой девори, 4G ва 5G технологиялари, катта маълумотлар тизими, сунъий интеллект, блокчейн технологияси, “аниқ қишлоқ хўжалиги” концепцияси.

**КИРИШ.** Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви ва рақамли трансформацион жараёнлар кечаётган бир даврда барча мамлакатлар ўз ривожланиш йўлини теран англаш, уни инновацион ва рақамли технологиялар асосида шакллантириш ҳамда ундан самарали фойдаланиш муҳим аҳамият касб этиб бормоқда. Айниқса, иқтисодиётда яратилаётган маҳсулотларда юқори қўшилган қийматни шакллантириш, ялпи ички маҳсулотнинг тезкор ўсиш суръатларини таъминлаш, жаҳон технологиялар бозорида етакчи бўлиш ва илм-фанда юксалиш мақсадида мамлакатлар ривожланишининг рақамли йўлини танламоқда. Аммо, саноат 4:0 инқилобини ўзгаришларга тайёр бўлмаган ҳар қандай мамлакатлар, дунёқараши

ва кадриятлар тизимидаги ўзига хосликлар туфайли, иқтисодий, сиёсий ва мафкуравий сабабларга кўра ушбу технологик янгиликларни ўз вақтида қабул қила олмаганлиги учун илгари эгаллаб турган мавқеидан ҳам орқада қолиб кетиши барчамизга маълумдир.

Халқаро рақамли трансформация жараёнларининг тобора жадаллашуви, мамлакатлар олдига рақамли иқтисодиётни муваффақиятли ривожлантириш учун комплекс стратегик ёндашув, тегишли рақамли инфратузилма, меъёрий-ҳуқуқий база ва замонавий кадрлар билан таъминлаш муаммоларини келтириб чиқаряпти.

Глобал тенденцияларда рақамли иқтисодиётни ривожлантиришда бир қатор

мамлакатларнинг ушбу пойгада етакчилик қилаётгани, уларнинг иқтисодий тузилмаси ва бизнес моделларида сезиларли даражада таъсирини кўришимиз мумкин. Хусусан, рақамли иқтисодиёти энг ривожланган ёки бугунги кунда “рақамли етакчилар” бўлган мамлакатлар Норвегия, Швеция, Швейцария, Дания, Финляндия, Сингапур, Жанубий Корея, Буюк Британия, Гонконг, Хитой ва АҚШдир.

Жаҳон банки маълумотларига кўра[1], 2024 йилда глобал рақамли иқтисодиёт ҳажми 26,5 триллион АҚШ долларини ташкил этиб, бу глобал ЯИМнинг тахминан 15,5% демакдир. 2028 йилга келиб бу кўрсаткич 31,3 триллион долларга етиши ва жаҳон ЯИМнинг 23% дан ортигини ташкил этиши кутилмоқда. Ушбу глобал рақамли ривожланишда Хитойнинг кўшаётган ҳиссаси беқиёсдир.

Хитой жаҳоннинг рақамли етакчи мамлакатларидан бири бўлиб, унинг ЯИМда рақамли иқтисодиётдан олинган даромадлар улуши 41%ни[1], рақамли инфратузилмада эса, 3 миллиондан ортиқ 5G база станцияларига эга дунёдаги энг катта 5G тармоғи ҳисобланиб, шаҳар ва қишлоқ ҳудудларининг 95% дан ортигини 5G билан қамраб олган, электрон тижорат, мобил тўловлар ва онлайн хизматлари глобал миқёсда биринчи ўринни эгаллайди. Шунингдек, Alibaba, JD.com ва Pinduoduo каби платформалари глобал бозорларга кенгайган бўлиб, мобил тўловларнинг доминантлигида Alipay ва WeChat Pay Хитойда нақд пулсиз иқтисодиётни тўлиқ шакллантирган ҳамда 2025 йилда мобил тўловларнинг йиллик ҳажми 800 триллион юанга етиб, бу глобал бозордаги энг юқори кўрсаткичга эгаллигини ифодалайди [2].

Шу жиҳатдан Хитойнинг рақамли ривожланиши ва ундаги мўъжизавий тажрибаларни қўллаш бўйича бутун дунёда илмий изланишлар ҳамда тадқиқотлар олиб бориляпти. Бугунги кунда Ўзбекистоннинг рақамли ривожланиши ва унинг стратегиясида Хитой тажрибасидан фойдаланиш муҳим ҳисобланади.

### **АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ**

Хитойнинг рақамли ривожланиши ва унинг иқтисодиётидаги катта сакрашлар сирлари бўйича халқаро ташкилотлари, дунёнинг етакчи молия институтлари ва мутахассислари томонидан тадқиқ этилиб келинмоқда ҳамда унинг мўжизаси ҳамон ўрганилмоқда. Хусусан, Жаҳон банкининг “Рақамли иқтисодиёт ҳисоботи 2024” ва BCG (Boston Consulting Group), “Рақамли трансформация: давлатлар тажрибаси” бўйича тадқиқотлари, З.Тайнинг “Хитойдаги интернет: Киберфазо ва фуқаролик жамияти” номли Вашингтоннинг Рутледж

нашриётида чоп этилган китоби, Э.Харвит ва Д.Кларк “Хитойда интернетнинг шаклланиши: Тармоқ инфратузилмаси ва контент устидан сиёсий назоратнинг ривожланиши” номли “Осиё сўрови” журналида чоп этилган илмий мақоласи, П.Лавлок ва Ж.Уре “Хитойда янги иқтисодиёт ва бошқарув: Электрон тижорат, интернет ва телекоммуникация сиёсатини ишлаб чиқиш” бўйича монографияси, Хитой интернет тармоғи маълумотлар маркази томонидан берилган “Хитойда интернет ривожланиши” бўйича статистик ҳисоботи(2018-2024й.), Хитой интернет тармоғи маълумотлар маркази томонидан берилган “Хитойда интернет ривожланиши” бўйича 23-статистик ҳисоботи, Ж.Ксианинг “Хитойнинг 3G/4G мобил алоқа соҳасида рақобат ва тартибга солиш” номли мақоласи ва Й.Хонгнинг “Хитойни тармоқлаштириш: Хитой иқтисодиётининг рақамли трансформацияси” номли Иллинойс Университетида бажарилган тадқиқотлар жумласидандир.

### **МЕТОДОЛОГИЯ**

Ушбу тадқиқотнинг мақсади Хитой рақамли иқтисодиётини ривожланишининг ўзига хослиги, унда рақамли трансформацияларни амалга ошириш эволюцияси, рақамли ривожланиш бўйича давлат сиёсати ва стратегиялари ҳамда рақамли иқтисодиётга ўтиш йўли ва эришилган ютуқлари, Хитойнинг глобал бозорга чиқиши ва рақамли ривожланиш истиқболлари ўрганилган, шунингдек, рақамли иқтисодиётни ривожланиш йўналишлари эконометрик таҳлил қилиш ва унинг тажрибасини Ўзбекистонда қўллашдан иборатдир. Мавзуни илмий ўрганиш, мантиқийлик, таққослаш, статистик ва эконометрик таҳлиллар, шунингдек, тадқиқ этиш жараёнида турли хил адабиётлар ва мақолалар таҳлилидан фойдаланилган.

### **МУҲОКАМА ВА НАТИЖА**

Ҳар қандай мамлакатда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш сценарийсини ишлаб чиқиш аҳолининг демографик таркиби, иқтисодий ва сиёсий шароитлар каби кўплаб омилларга боғлиқ. Шу боисдан, рақамли иқтисодиётни шакллантириш ва ривожлантириш бўйича Хитой тажрибаси муайян шароитларда маълум бир тарзда самарали ишлаган эксперимент бўлиб, ундан фойдали намуна сифатида қўллаш имкониятига эга. Айниқса, минтақавий рақамли ривожланиш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда муваффақиятли Хитой тажрибаси бир қатор мамлакатларда кенг қўлланилиб келинмоқда.

Хитойнинг рақамли ривожланиш модели бошқа ривожланаётган мамлакатлар учун рақамли инфратузилмани ривожлантириш,

рақамли саводхонликни ошириш ва рақамли технологияларни иқтисодиётнинг турли соҳаларига жорийда муҳим бир тажриба бўлиб хизмат қилади.

### **РАҚАМЛИ ТРАНСФОРМАЦИЯЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЭВОЛЮЦИЯСИ**

Хитой рақамли инфратузилмасининг ривожланиш тарихи бир неча муҳим босқичлардан иборат бўлиб, у давлат сиёсати, технологик инновациялар ва глобал интеграция билан чамбарчас боғлиқ бўлган. Хитой рақамли инфратузилмасининг дастлабки шаклланиш босқичи [3] 1990 йиллардан бошланиб, асосан мамлакатда интернетнинг жорий этилиши билан ифодаланади.

1994 йилга келиб Хитой глобал интернет тармоғига расман уланди. Бу жараён Хитой Фанлар академияси ва бошқа илмий муассасалар томонидан бошқарилди. Биринчи уланиш CERN (Европа Ядро Тадқиқотлари Ташкилоти) орқали амалга оширилган [4]. Интернет асосан университетлар, тадқиқот институтлари ва давлат идоралари учун жорий этилиб, оммавий фойдаланиш минимал даражада яъни, уланиш тезлиги жуда паст (тахминан, 64 Kbps) бўлган.

Хитой рақамли инфратузилманинг асосий босқичида “China Telecom” компаниясига асос солиб, мобил алоқа ва интернет хизматларини тақдим эта бошлаган. Шундан сўнг 1996 йилларга келиб, шаҳарларда интернет кафелар очила бошлади, бу оддий фуқароларга ҳам интернет билан танишиш имконини берди. Ҳукумат интернетни ривожлантириш билан бирга, ахборот оқимини назорат қилиш чораларини ҳам кўра бошлаган, бу кейинчалик “Буюк Хитой девори” тизимининг асосига айланган [5]. Бу давр Хитой

учун рақамли инфратузилманинг пойдеворини яратди, аммо қамров ва фойдаланиш даражаси ҳали ҳам жуда чекланган эди.

2000 йилларга келиб Хитойнинг рақамли инфратузилмасини ривожлан-тиришнинг иккинчи даври бошланиб [6], у 2002 йилларда сезиларли даражада кенгайди ва оммалашди. Интернет фойдаланувчилар сони кескин ошиб, 2008 йилда Хитой 253 миллион фойдаланувчи билан АҚШни орта қолдириб, дунёдаги энг катта интернет бозорига айланди [7].

2006 йилда мобил алоқа соҳаси тобора ривожланиб, 2G тармоқлари кенг тарқалди, 2009 йилга бориб эса, 3G тармоғи жорий этилди [7]. Бунда China Mobile, China Unicom ва China Telecom компаниялари томонидан мобил интернет хизматлари ривожлантирилиб, бу смартфонларнинг келажагини оммалашшига замин яратди.

2010 йилларга келиб, Хитой рақамли инфратузилмасини янада модернизацияси қилишни бошлади, унда Dial-up уланишлардан DSL ва оптик толали тармоқларга ўтилди ҳамда барча шаҳарларда юқори тезликдаги интернет қамрови кенгайди. Ўша йилдан бошлаб, “Олтин лойиҳалар” (Golden Projects) доирасида электрон ҳукумат, банк тизимлари ва миллий маълумотлар базалари рақамлаштирилди [8]. Хусусан, бу лойиҳалар дастлаб давлат-хусусий ҳамкорлигида ривожлантирилиб, унинг натижаси ўлароқ бугун Хитой электрон ҳукумат соҳасида ҳам етакчилардан бири ҳисобланади.

Бизнесни автоматлаштириш ва платформали иқтисодиётни ривожлантиришда Хитой АҚШ билан рақобатлаша оладиган Baidu, Alibaba ва Tencent каби компанияларини яратди (1-жадвал).

1-жадвал

### **Хитой ва АҚШдаги рақамли компанияларнинг соҳалар кесимида қиёсий таҳлили [9]**

Соҳалар	Хитой компаниялари (ташқил топган йили)	АҚШ компаниялари (ташқил топган йили)
Тезкор хабар алмашиш, ижтимоий медиа, интернет портал	Tencent OICQ (1999 й.)	MSN (1995 й.)
Қидирув тизими	Baidu (2000 й.)	Google (1998 й.)
Онлайн савдо (B2C)	JD (1998 й.)	Amazon (1994 й.)
Онлайн савдо (C2C)	Taobao (2003 й.)	eBay (1995 й.)
Онлайн тўловлар	Alipay (2004 й.)	Paypal (1998 й.)
Онлайн ижтимоий тармоқ	Sina (2009 й.)	Twitter (2006 й.)
Онлайн етказиб бериш, такси чақирув хизматлари	Didi Dache (2012 й.)	Uber (2009 й.)

2000 йилларда Хитойнинг глобал ахборот хавфсизлиги борасида “Буюк Хитой девори” тизими янада ривожланиб, интернетдаги ахборот оқимини қаттиқ назорат қилишга хизмат қилди [10]. 2000 йиллар Хитой рақамли инфратузилмаси учун тезкор ривожланиш ва глобал миқёсда инновацион етакчилиikka эришиш даври бўлди. Бу даврда технологик ютуқлар, давлат сиёсати ва хусусий секторнинг фаол иштироки муҳим роль ўйнади.

Хитойнинг рақамли трансформацияси ва унда рақамли инфратузилмани ривожлантиришнинг учинчи босқичида юқори тезликдаги интернет ва 4G тармоқлари жорий этилди. 2013 йилда Хитой 4G тармоқларини расман ишга тушириб, China Mobile, China Telecom ва China Unicom каби операторлари 4G қамровини деярли барча шаҳар ва қишлоқ ҳудудлари бўйлаб кенгайтирди. Бу эса, мобил интернетдан фойдаланишни кескин ошириб, 2019 йилга келиб Хитойда 1,2 миллиардга яқин мобил интернет фойдаланувчиси қайд этилди [11].

Шунингдек, Ҳукумат “Broadband China” стратегиясини қўллаб-қувватлади, бунинг натижасида оптик толали интернет кенг тарқалди.

2017 йилга келиб, Хитой дунёдаги энг катта оптик тармоқ инфратузилмасига эга бўлди [12]. Бу эса, ўртача интернет тезлиги сезиларли даражада ошириб, ижтимоий тармоқлар, видео, онлайн ўйинлар ва бошқа рақамли платформаларнинг ривожланишига туртки бўлди.

Ушбу даврда Хитойнинг рақамли гигантлари Alibaba, Tencent ва Baidu билан глобал иқтисодиётга қўрқинчли кириб келди. Бу компаниялар Хитой рақамли иқтисодиётининг асосий ҳаракатлантирувчи кучига айланди. Taobao ва Tmall орқали электрон тижоратни ривожлантирди, Alipay эса мобил тўловлар бозорида етакчига айланди. 2014 йилда Alibaba Нью-Йорк фонд биржасида рекорд даражадаги IPO (Initial Public Offering) ўтказди [13]. Tencent ва WeChat эса, оддий мессенжердан “супер-илова”га айланди, унда тўловлар, харидлар ва бошқа хизматлар интеграция қилинди. WeChat Pay Alipay билан рақобатда етакчи ўринни эгаллади. Хусусан, Baidu Хитойнинг асосий қидирув тизими сифатида ўз мавқеини мустаҳкамлади ва сунъий интеллект (AI) соҳасида катта сармоялар киритди [14].

2010 йилларнинг ўрталарига келиб, Alipay ва WeChat Pay Хитойда нақд пулсиз иқтисодиётни шакллантирди. 2019 йилда мобил тўловлар ҳажми триллионлаб юанга етди [15].

ByteDance (TikTok ва Douyin ишлаб чиқарувчиси) ва JD.com каби компаниялар

глобал миқёсда эътироф этилди. ByteDance 2016 йилда Douyin ни ишга тушириб қисқа видеолар бозорида инқилоб қилди.

2010 йилларнинг охирида АҚШ ва Хитой ўртасидаги технологик рақобатнинг кескинлашуви натижасида Huawei ва ZTE каби компаниялар глобал телекоммуникация бозорига кириб келди ва улар бозорда муҳим ўрин эгаллади, аммо, бу компаниялар улуши 2013 йилларга келиб, АҚШ санкциялари таъсирида Европа ва АҚШ бозорларида бир оз сусайди.

Шу сабабли, Хитой “Бир камар, бир йўл” ташаббуси доирасида рақамли инфратузилма лойиҳаларини Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларига тадбиқ эта бошлади, бу эса рақамли бозорда Хитойнинг глобал таъсирини оширди.

2020 йиллар Хитойнинг рақамли инфратузилмаси учун глобал етакчилиكنи мустаҳкамлаш, 5G тармоқларининг кенг жорий этиш ва илғор технологияларга асосланган рақамли иқтисодиётнинг янги чўққиларига чиқиш даври сифатида ажралиб турди. Хитой 2019 йилда 5G тармоқларини дунёда биринчи бўлиб кенг миқёсда ишга туширди ва

2020 йилларда бу жараёни янада жадаллаштирди. 2024 йилга келиб, Хитой глобал 5G уланишларининг тахминан 90% ни таъминлади [16].

Шунингдек, мамлакатдаги оптик кабель узунлиги 54 миллион километрга етиб, интернет тармоқларининг умумий ўтказиш қобилияти 200 Тбит/с дан ошди [17].

China Mobile, China Telecom ва China Unicom 5G инфратузилмасига миллиардлаб доллар сармоя киритди. 5G автоном транспорт, ақли шаҳарлар, саноат автоматлаштируви (Industry 4.0) ва масофавий жарроҳлик каби соҳаларда қўлланилди. Масалан, Huawei ва ZTE 5G асосидаги IoT ечимларини глобал миқёсда тарғиб қилди. 5G тармоқлари ўртача 1 Gbps гача тезлик ва минимал кечикиш билан рақамли хизматларнинг сифатини оширди, бу булутли ўйинлар, AR/VR ва реал вақтда маълумот узатишни ривожлантирди.

### **РАҚАМЛИ РИВОЖЛАНИШ БЎЙИЧА ДАВЛАТ СИЁСАТИ ВА СТРАТЕГИЯЛАРИ**

Хитойнинг рақамли ривожланиш бўйича давлат сиёсати ва стратегиялари сифатида қуйидагиларни кўришимиз мумкин:

1. 2015 йил Бош вазир Ли Кечянг томонидан эълон қилинган “Internet Plus” стратегияси [18]. Бош вазир Ли Кечянг томонидан эълон қилинган бу режа интернет технологияларини саноат, қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш ва таълим каби соҳаларга интеграция қилишни

мақсад қилди. Натижада, рақамли хизматлар кенгайди, масалан, онлайн тиббий маслаҳатлар ва электрон тижорат платформалари қишлоқ жойларида ривожланди.

2. Рақамли иқтисодиётни қўллаб-қувватлаш стратегияси (2010–2020). Хитой ҳукумати стартаплар ва технологик компаниялар учун солиқ имтиёзлари, субсидиялар ва инкубаторлар ташкил қилди. Шэнжэн ва Ханчжоу каби шаҳарлар инновация марказларига айланди.

3. 2017 йил Хитой ҳукумат томонидан қабул қилинган киберхавфсизлик қонуни. Бу қонун маълумотларни локализация қилиш ва интернетни қаттиқроқ назорат қилишни талаб қилди, шу билан бирга рақамли инфратузилманинг хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилди.

4. “Буюк Хитой девори” тизимини ривожлантириш. Интернет цензураси янада мураккаблашди, VPNлар чекланди ва хорижий платформалар (Google, Facebook) блокланди, бунинг натижасида маҳаллий муқобил платформаларнинг ўсишига ёрдам берди.

Хитойнинг рақамли технологияларни қўллаш соҳасидаги давлат сиёсати:

1. Сунъий интеллект соҳасини ривожлантириш бўйича. Хитой

2017 йилда “Сунъий интеллектни ривожланиш стратегиясини” ни эълон қилди, унда 2030 йилга қадар глобал бозорда AI етакчиси бўлиш мақсади кўйилган[19]. Baidu, Alibaba ва SenseTime каби компаниялар юзни аниқлаш, автоном транспорт ва ақлли шаҳарлар соҳаларида катта муваффақиятларга эришди.

2. IoT инфратузилмаси ривожлантириш бўйича. Вуси шаҳри IoT тадқиқотлари ва жорий этиш маркази сифатида танланди. “Хитойни сезиш” лойиҳаси доирасида сенсорлар ва уланган қурилмалар саноат ва шаҳар бошқарувида кенг қўлланила бошлади. 2019 йили Хитойда 3 миллиарддан ортиқ IoT уланишлари ва 2025 йилга келиб эса, ушбу кўрсаткич 5 миллиарддан ошди.

3. Ақлли шаҳарларни яратиш бўйича. Пекин, Шанхай ва Шэнжэн каби шаҳарларда IoT ва AI га асосланган ақлли транспорт, мониторинг ва энергия бошқаруви тизимлари жорий этилди.

4. Катта маълумотлар марказларини ташкил этиш бўйича. Гуйчжоу ва Ички Мўғулистон каби вилоятларда улкан маълумотлар марказлари қурилди. 2024 йилга келиб, Хитой глобал булутли ҳисоблаш қувватларининг 30% га яқинини таъминлади.

5. Блокчейн технологияси бўйича. Хитойнинг “Рақамли Юан” (e-CNY) лойиҳаси 2020 йилда синовдан ўтказилди ва 2022

йилдан кенг қўлланила бошлади. Блокчейн технологияси жумладан, молия, логистика ва давлат хизматларида қўлланила бошланди.

Шунингдек, Шэнган янги ҳудуди ва Шэнжэн каби шаҳарлар 5G, IoT ва AI интеграцияси билан ақлли шаҳарлар сифатида ривожланди. 2023 йилга келиб, Шэнжэн шаҳрида автоном транспорт тизими 50% га автоматлаштирилди. “Made in China 2025” стратегияси доирасида заводлар ва ишлаб чиқариш IoT ва 5G ёрдамида рақамлаштирилди, бу эса маҳсулдорликни 20-30% га оширган. 2020 йилларда Хитой ҳукумати рақамли инфратузилмани миллий иқтисодиётнинг асосий устуни сифатида белгилади. “14-беш йиллик режа” доирасида рақамли трансформацияга биргина

2023 йилда 2 триллион юандан ортиқ сармоя киритилди.

Хитойнинг “Бир камар, бир йўл” ташаббуси доирасида Африка, Жануби-Шарқий Осиё ва Лотин Америкаси мамлакатларига 5G ва IoT лойиҳалари амалга оширилди. Huawei ва ZTE компаниялари глобал рақамли инфратузилмани яратишда асосий устун бўлиб хизмат қилди.

2021 йилда янгиланган “Маълумотлар хавфсизлиги тўғрисида” ги қонун хорижий компанияларга қаттиқ талаблар қўйди. “Буюк Хитой девори” янада такомиллашди, бу эса маҳаллий платформаларни ривожлантирди, ammo глобал интеграцияда муайян тўсиқларни келтириб чиқарди.

### **ХИТОЙНИНГ РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТГА ЎТИШ ЙЎЛИ ВА УНДАГИ ЭРИШИЛГАН ЮТУҚЛАР**

Хитой рақамли иқтисодиётни маҳаллий трансформациядан мустақил инновацияга ўтиш ва тезкор глобал бозорга чиқиш йўли орқали амалга оширди. Глобал бозорларда интернетни тижоратлаштиришнинг илк босқичларида Хитой Ғарбга нисбатан рақамли технологиялар бўйича ортада қолса-да, бир гуруҳ Хитой тадбиркорлари тезлик билан бозор имкониятларидан фойдаланди, шунингдек, тезлик билан ахборот алмашув излаш ва бошқа рақамли соҳаларда пайдо бўлди.

Рақамли иқтисодиётнинг барча соҳаларида Хитой интернет компаниялари АҚШдаги компанияларга нисбатан бир оз кейин пайдо бўлган бўлсада ва уларнинг асосий бизнес моделлари хориж тажрибасини тақлид қилиш ва ўрганишга асосланган эди. Шу билан бирга, тақлид қилиш жараёнида улари локал трансформацияларни амалга оширди. Масалан, электрон савдо соҳасида Alibaba 2003 йилда C2C онлайн платформаси бўлган Taobao ни ишга туширди. 2004 йилда Alibaba инновацион

тараққийет йўли билан учинчи томон тўлов моделини ишлаб чиқди ва онлайн савдода ишонч масаласини ҳал этиш учун онлайн транзакциялар ечими сифатида Alipay ни таклиф қилди. 2012 йилда Хитойнинг онлайн савдо кўрсаткичи АҚШдан ошиб, унинг онлайн савдо айланмаси 1.85 триллион юаньга етди ва бу дунёдаги энг катта онлайн савдо бозорига айланди.

Хитой рақамли иқтисодиётида ҳукумат, энг аввало, интернет бозорини ривожлантиришни афзал билиб, “эркин бозор” асосидаги рақамли бизнес моделини яратди. Илк ривожланган мамлакатларнинг “технологик иқтисодиёт”дан “рақамли иқтисодиёт” га ўтиш йўли орқали эмас, Хитой икки йўналишни бир хил ривожлантиришни авфзал кўрди. Асосий соҳалардаги технологик ривожланиш туфайли Хитой рақамли иқтисодиётда ҳам мавжуд саноат асослари ва бозор талаби орқали кучайтиришга кўпроқ интилди. Бу эса, икки томонлама намоён бўлади:

Биринчидан, Хитойнинг катта бозор устунлиги, 1.5 миллиардга яқин аҳоли сонига эгалиги, рақамли трансформацияларни энг аввало, тезкор инфратузилмани яратиш ва аҳолининг рақамли саводхонлигидан бошлаши билан изоҳланади. Хитойнинг катта бозори, истеъмолчиларнинг юксак қабул қилиш даражаси, нисбатан эркин тартиб муҳити, инсон капитали, савдо ва логистика, тўлов каби ёрдамчи тизимларнинг доимий такомиллашиши интернет тармоғининг ривожланиши учун қулай шароит яратди. Интернет истеъмолчиларининг кўпайиши бир қатор йирик провайдер ва коммуникация компанияларини яратиш, шунингдек, рақамли иқтисодиётнинг барча соҳа ва тармоқларини ривожлантириш ҳамда глобал бозорга чиқиш имконини берди.

Иккинчидан, Хитой тўлиқ саноат тизимини мавжуд саноат асосини шакллантирди, бу эса замонавий ва тўлиқ рақамли саноат тизимини куриш имкониятини берди. У ананавий саноатнинг рақамли трансформацияси учун тўлиқ рақамли иқтисодиёт маҳсулотлари, хизматлари ва ечимларини тақдим эта олади. Шу учун, Хитой Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан таснифланган барча саноат турларини қамраб олган дунёдаги ягона мамлакатдир. Хитой 5G технологияси, саноати, тармоқлари ва қўлланилиши бўйича тўлиқ глобал миқёсда раҳбарликни қўлга киритди, шунингдек интеграл микросхемалар, сунъий интеллект, юксак қобилиятли хисоблаш, электрон лойиҳалаш автоматизацияси, маълумотлар базалари, операцион тизимлар ва бошқа соҳаларда муҳим муваффақиятларга эришди.

2014 йилдан бошлаб Хитойда рақамли

технологияларни қўллаш бўйича аста-секин хизмат кўрсатиш соҳасидан саноат соҳасига қараб кенгайиши, бу мамлакат бўйлаб барча корхоналарнинг илмий-изланиш, ишлаб чиқариш, сотув ва хизмат кўрсатиш соҳасида босқичма-босқич кириб бориб, саноатнинг рақамлашуви, тармоқлашуви ва интеллектуаллашувини кучайтирди.

Хитойнинг рақамли корхоналари янги технологияларни анъанавий бизнес билан уйғунлаштириб, янги инновацион бизнес-моделини яратишга эришди. Бугунги кунда Хитой анъанавий бизнес корхоналарининг 90%дан ортиқроғи автоматлаштирилган. Масалан, сунъий интеллект, катта маълумотлар технологияси ва маълумотларни таклиф қилиш хизматларининг интеграцияси “рақамли” хизматларни пайдо бўлишига олиб келди. Бу хизматлар онлайн харид, қисқа видеолар, янгиликлар порталлари каби турли соҳаларда кенг қўлланила бошланди ва жонли эфирда савдо, қисқа видео савдо, контент савдо ва тез харид каби янги бизнес моделларини шакллантирди. Хитой рақамли корхоналарининг бизнес моделлари халқаро бозорга муваффақиятли кириб, тақлидчилардан етакчиларга айланди.

Рақамли иқтисодиёт глобал аҳамиятга эга бўлган бугунги дунёда Хитойнинг тутган ўрни жуда муҳимдир. 2010 йилдан 2024 йилгача Хитой рақамли иқтисодиётининг ҳажми 4.3 триллион юандан 50.2 триллион юангача ўсди, бу эса йиллик ўртача 21.7% ўсиш суръатини англатади[20].

Ҳозирги вақтда рақамли иқтисодиёт Хитой ЯИМнинг 41.5% ини ташкил қилмоқда, бу эса дунё бўйича ўртача кўрсаткичдан (38.6%) юқоридир [21].

Электрон тижорат, мобил тўловлар ва онлайн хизматлар глобал миқёсда етакчи ўринни эгаллади. Хитойнинг рақамли ривожланишида электрон тижорат ва рақамли хизматлар. “Singles’ Day” (11.11) савдо фестивали ҳисоботига кўра, Alibaba компанияси 2019 йилда 38,4 миллиард доллар, 2021 йилда ҳолатига кўра, 84 миллиард долларлик рекорд даромад келтирди [22].


Хитой компаниялари хорижий бозорларга тезкор кенгайиб, Alibaba Жануби-Шарқий Осиёда Lazada платформасини, Tencent эса WeChat ни халқаро фойдаланувчиларга тарғиб қилди. Alipay ва WeChat Pay Хитойда нақд пулсиз иқтисодиётни тўлиқ шакллантирди. Жонли эфир орқали савдо (live-streaming e-commerce) 2023 йилда 2 триллион юандан ортиқ даромад келтирди.

Хитой ҳукумати рақамли иқтисодиётни ривожлантиришга катта эътибор қаратиб,

уни миллий стратегия даражасига кўтарди. 2015 йилдан бошлаб, “Интернет+” дастури, “Сунъий интеллектни ривожлантириш миллий стратегияси”, “Рақамли Хитой” концепцияси ва “Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш беш йиллик режаси” каби қатор муҳим дастурлар ишлаб чиқиши Хитойнинг рақамли мўжизасини яратди. Хитой ҳукумати рақамли иқтисодиётни ривожлантириш учун 2020-2023 йиллар давомида 1.4 триллион доллардан ортиқ

маблағ ажратди. Бу инвестициялар асосан “янги инфратузилма” яратишга йўналтирилган бўлиб, бунга 5G тармоқлари, юқори тезликдаги темир йўллар, электромобиллар учун зарядлаш станциялари, индустриал интернет ва маълумотлар марказлари киради.

Хитой компаниялари 5G, катта маълумотлар, сунъий интеллект, блокчейн ва булутли ҳисоблаш каби илғор технологияларни фаол равишда ривожлантирмоқда ва жорий этмоқда (1-расм)



1-расм. Хитой рақамли иқтисодиёти таркиби (2024 йил) [24]

Хитой рақамли иқтисодиёти ривожланишининг асосий ҳаракатлантирувчи кучларидан бирибу тинимсиз технологик инновациялардир. Технологик инновациялар соҳасида Хитой 2015 йилдан 2023 йилгача бўлган даврда патент аризалари сонини икки барабардан ортиқ оширишга муваффақ бўлди [23].

Бугунги кунда Alibaba, Tencent ва Baidu эса катта маълумотлар ва сунъий интеллект соҳасида инновацион ечимлар таклиф этмоқда. Бунга қўшимча равишда, Хитой компаниялари 2023 йилда дунё бўйича рақамли технологиялар соҳасидаги патентларнинг 35% дан ортигини рўйхатдан ўтказганлиги, бу мамлакатнинг инновацион салоҳиятини яққол кўрсатади. Рақамли трансформация натижасида турли саноат соҳаларида сезиларли ўзгаришлар содир бўлмоқда. Ишлаб чиқариш саноатида ақлли фабрикалар сони 2020 йилдаги 1,200 тадан 2023 йилда 4,800 тага етди. “Аниқ қишлоқ хўжалиги” концепцияси доирасида дронлар, сунъий

интеллект ва сенсор технологияларини жорий этилиши натижасида ҳосилдорлик ўртача 15-20% га ошди. Соғлиқни сақлаш, транспорт ва таълим соҳаларида ҳам рақамли технологиялар кенг жорий этилмоқда. Бунда, Huawei, ZTE ва China Mobile каби компаниялар 5G технологиялари соҳасида етакчи ўринни эгаллаб, глобал стандартларни шакллантиришда муҳим роль ўйнамоқда. Глобал рақамли трансформациялар бозорида Huawei компанияси тезкор ривожланиб, унинг умумий даромади 2024 йилда 118,2 миллиард АҚШ долларига тенг бўлган. Бу эса, 2023 йилга нисбатан 22,4% ўсишни кўрсатади [25]. Хусусан, Huawei рақамли энергия ва интеллектуал автомобиль ечимлари соҳасида ҳам сезиларли ўсишга эришди. Компаниянинг смартфонлари Хитой бозорида 37% ўсишга эришди ва бозор улуши 12%дан 16% га кўтарилди [25].

Huawei рақамли трансформация соҳасидаги илмий-тадқиқотларга катта сармоя киритадиган

компания ҳисобланади. Компаниянинг биргина 2024 йил учун илмий-тадқиқот ва ривожланишга сарфланган маблағи 179,7 миллиард юаньни ташкил этиб, бу даромаднинг 20,8%ига тенг. Компаниянинг илмий-тадқиқот бўлимида 113 000 нафар ходим ишламоқда, бу умумий ходимлар сонининг 54,1%ини ташкил этади. 2025 йил 28 феврал куни ZTE компанияси томонидан эълон қилинган молиявий ҳисоботларга кўра, компаниянинг умумий даромади 2024 йилда 16.65 миллиард АҚШ долларини ташкил этиб, маҳаллий бозорда 67,6% ва халқаро бозорда эса

32.4% улушга эга бўлган [25].

Huawei ва ZTE компаниялари нафақат Хитой бозори, балки глобал бозор учун рақамли технологиялар соҳасида ҳам улар рақобат олиб бормоқда. Рақамли маҳсулотларнинг яратиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш ва инновацияларни яратиш, жумладан, 5G тармоқ инфратузилмаси, оптик тармоқлар, смартфон ва планшетлар, ноутбуклар, серверлар ва булутли платформалар, ақлли экранлар, ақлли шаҳарлар ва саноат IoTларни ишлаб чиқаришда улар глобал бозорда етакчи ҳисобланади (2-жадвал).

2-жадвал

### HUAWEI ва ZTE компанияларининг маҳсулотлари бўйича таққослама жадвали [25]

Маҳсулот тури	Huawei компанияси	ZTE компанияси
5G тармоқ инфратузилмаси	5G учун тўлиқ ечимлар Юқори энергия самарадорликка эга	5G Common Core ечимлари Камроқ энергия самарадорлик
Оптик тармоқлар	OptiXtrans серияси 200G/400G/800G технологиялари	ZXONE оптик тизимлари 100G/200 технологиялари
Смартфонлар	P-серияси HarmonyOS (ўз операцион тизими)	Axon серияси Android (MyOS интерфейси)
Планшетлар	MatePad Pro Экотизим билан интеграция	ZPad моделлари Чекланган танлов
Кийиладиган қурилмалар	Watch GT соатлари Band фитнес-балакузуклари FreeBuds қулоқчинлари	Watch соатлари
Серверлар	TaiShan (ўз Kunpeng чиплари)	R5500 G4 (x86 асосида)
Булутли платформалар	Huawei Cloud Stack FusionCloud Сунъий интеллект хизматлари	ZTE Cloud Чекланган хизматлар
Ақлли экранлар	Smart Screen V-серияси HarmonyOS	Smart TV (Android TV)
Ақлли шаҳарлар	Intelligent Operation Center Транспорт аналитикаси	Алоҳида компонентлар
Саноат IoT	AR502H шлюзлари “Ақлли” фабрикалар учун	Саноат маршрутизаторлари

Хитой рақамли иқтисодиётининг муҳим хусусиятларидан бири - бу кучли рақамли экосистемалар ва платформа бизнес моделларининг ривожланганлигидир.

Alibaba, Tencent, JD.com, Meituan ва Didi каби компаниялар маҳсулот ва хизматларнинг кенг доирасини қамраб олувчи яхлит рақамли экосистемаларни яратишга муваффақ бўлди. Бу экосистемаларнинг мижозлар базаси жуда катта бўлиб, масалан, WeChat платформаси ойлик фаол фойдаланувчилар сони 1.3 миллиарддан ортиқни ташкил қилади.

Бу экосистемалар фойдаланувчилар

учун қулай ва самарали рақамли тажрибани таъминлайди. Масалан, Alibaba экосистемаси орқали истеъмолчилар онлайн харид қилиш, тўлов амалга ошириш, кредит олиш, сармоя киритиш ва бошқа кўплаб хизматлардан фойдаланиш имкониятига эга. 2023 йилда Хитойдаги электрон тижорат ҳажми 15 триллион долларни ташкил қилиб, дунё бўйича биринчи ўринни эгаллади. Шунингдек, Хитойдаги мобил тўловлар ҳажми 60 триллион долларга етиб, бу соҳада ҳам дунё етакчисига айланди.

Хитойнинг рақамли иқтисодиёт соҳасидаги ютуқларининг яна бир муҳим омили -

бу мамлакатнинг кучли илмий-тадқиқот салоҳиятидир. Хитой ҳукумати тадқиқот ва ривожлантириш соҳасига ялпи ички маҳсулотнинг 2.5% дан ортиғини сарфламоқда, бу эса дунёдаги энг юқори кўрсаткичлардан биридир. 2023 йилда Хитойнинг илмий-тадқиқот харажатлари 425 миллиард долларга етди, бу кўрсаткич бўйича АҚШдан кейин иккинчи ўринни эгаллади [26].

Айниқса рақамли технологиялар соҳасида илмий-тадқиқот ишлари жадал суръатларда ривожланмоқда. 2016-2023 йиллар давомида сунъий интеллект соҳасида нашр этилган илмий мақолалар сони бўйича Хитой дунёда биринчи ўринга чиқди. Биргина, 2023 йилда Хитой олимлари томонидан сунъий интеллект соҳасида 52,000 дан ортиқ илмий мақола чоп этилиб, ушбу кўрсаткич АҚШдан 15% кўпдир.

Хитойдагитехнологиккомпанияларҳамилмий-тадқиқот соҳасига катта маблағлар ажратмоқда. Масалан, Huawei ўз йиллик даромадининг 15% дан ортиғини (2023 йилда 21.2 миллиард доллар) тадқиқотларга йўналтирмоқда. Alibaba, Tencent ва Baidu каби компаниялар ҳам илмий-тадқиқот харажатларини доимий равишда ошириб бормоқда. 2023 йилда Хитойнинг 100 та йирик технологик компаниялари жами 112 миллиард доллардан ортиқ маблағни тадқиқот ва ривожлантириш ишларига сарфлади [26].

2024 йилда ҳам Хитой рақамли технологиялар соҳасига, жумладан, сунъий интеллект, 5G технологиялари, булутли ҳисоблаш, катта маълумотлар, буюмлар интернет ва блокчейн технологияларига йирик инвестиция киритди (3-жадвал).

3-жадвал

### Хитойнинг асосий рақамли технологиялар соҳасидаги инвестициялари (2024 йил) [24]

Рақамли технологиялар соҳаси	Инвестициялар ҳажми (млрд. доллар)	Ўсиш суръати (2023 йилга нисбатан, %)
Сунъий интеллект	43.2	+28.5
5G технологиялари	35.8	+21.3
Булутли ҳисоблаш	30.5	+19.7
Катта маълумотлар	25.4	+17.2
Буюмлар интернет	20.1	+15.8
Блокчейн	8.7	+31.4

Бу инвестициялар натижасида Хитой рақамли технологиялар соҳасида қатор инновацион ишланмаларни яратмоқда. Масалан, сунъий интеллект соҳасида Хитой олимлари дунёдаги энг илғор нейрон тармоқ моделларидан бирини ишлаб чиқди, бу модель автоматик таржима, тасвирларни таниш ва табиий тилни қайта ишлаш соҳаларида юқори натижаларга эришди.

Рақамли иқтисодиётнинг муваффақиятли ривожланиши учун малакали мутахассислар зарур. Хитой ҳукумати бу йўналишда ҳам фаол сиёсат олиб бориб, рақамли кўникмаларни ривожлантириш дастурлари, IT соҳасидаги таълим дастурларини кенгайтириш ва халқаро алмашинув дастурлари орқали малакали мутахассисларни тайёрлашга катта эътибор қаратмоқда.

Хитой 2023 йилда фақат рақамли таълим соҳасига 58 миллиард доллардан ортиқ маблағ сарфлади [27]. Рақамли таълимнинг

ривожланиши учун мамлакатда кенг қўламли “Рақамли саводхонлик миллий дастури” амалга оширилиб келинмоқда. 2020-2023 йиллар давомида мазкур дастур бўйича [24], 2,500 дан ортиқ рақамли кўникмалар марказлари ташкил этилди, 12 миллиондан ортиқ ишчилар ва деҳқонлар учун бепул онлайн курслар таклиф этилди, 5000 дан ортиқ мактабларда робототехника ва дастурлаш фанлари жорий этилди, 700 дан ортиқ университетлар ва коллежларда сунъий интеллект мутахассислиги очилди.

Сўнги йилларга келиб, Хитой Ҳиндистон ва Жанубий Кореядан фарқли ўлароқ, сунъий интеллект инжиниринги, дастурий таъминот муҳандислиги, катта маълумотлар таҳлили, кибер хавфсизлик, булутли технологиялар инжиниринги, мобил иловаларни ишлаб чиқиш ва робототехника соҳаларида глобал миқёсдаги етук кадрларни тайёрлапти (4-жадвал).

4-жадвал.

### Хитойнинг IT соҳаси мутахассисликлари ва уларнинг битирувчилар сони (2023 йил) [24]

Мутахассислик	Битирувчилар сони (минг киши)	Ўртача йиллик маош (минг доллар)
Сунъий интеллект инжиниринги	142	65.2
Дастурий таъминот муҳандислиги	218	52.4
Катта маълумотлар таҳлили	165	60.8
Кибер хавфсизлик	95	59.3
Булутли технологиялар инжиниринги	85	58.1
Мобил иловалар ишлаб чиқиш		
Робототехника	112	49.7
	58	62.5

Натижада, Хитой дунёда IT мутахассислари сони бўйича етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. 2023 йилда мамлакатда 6 миллиондан ортиқ дастурчи мавжуд бўлиб, ҳар йили бир миллионга яқин талаба IT йўналишлари бўйича университетларни битириб чиқмоқда.

### ГЛОБАЛ ИМКОНияТЛАР

Хитой рақамли иқтисодиёти фақат ички бозордагина эмас, балки халқаро миқёсда ҳам фаол ривожланмоқда. “Бир макон, бир йўл” ташаббуси доирасида Хитой ривожланаётган мамлакатлар билан рақамли технологиялар соҳасида ҳамкорликни кучайтирмоқда, бу мамлакатларда рақамли инфратузилмани ривожлантиришга ёрдам бермоқда ва ўз технологик стандартларини илгари сурмоқда.

Жануби-Шарқий Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларида Хитой технологик компаниялари фаол иштирок этмоқда. Масалан, Huawei бутун дунё бўйлаб 170 дан ортиқ мамлакатда телекоммуникация инфратузилмасини етказиб бермоқда. Alibaba эса ўз булутли хизматларини дунёнинг кўплаб минтақаларида таклиф этмоқда. Бу ҳамкорлик Хитойнинг глобал рақамли иқтисодиётдаги таъсирини янада кучайтирмоқда. Кейинги 5 йил давомида Хитой ҳукумати 200 миллиард доллардан ортиқ маблағни “**Рақамли ипак йўли**” дастурини кенгайтиришга сарфлашни режалаштирмоқда [28].

Бу дастур доирасида ривожланаётган мамлакатларда 5G тармоқлари, йўлдош навигация тизимлари, маълумотлар марказлари ва бошқа рақамли инфратузилма объектларини қуришга катта эътибор қаратмоқда.

Хитой платформали иқтисодиётнинг кўлами бўйича дунёда етакчи бўлиб, жумладан, электрон тижорат платформаларининг йиллик транзакциялар ҳажми 15.4 триллион доллар, мобил тўлов тизимлари орқали йиллик тўловлар ҳажми 63.7 триллион доллар, йўловчи ташиш хизматларини буюртма қилувчилар сони 450 миллион, озиқ-овқат етказиб бериш

хизматларидан фойдаланувчилар сони 520 миллион ва онлайн видео платформаларидан фойдаланувчилари эса 970 миллионга етган. Бу дунёдаги йирик рақамли макроиқтисодий кўрсаткич саналади.

### РАҚАМЛИ ИСТИҚБОЛЛАРИ РИВОЖЛАНИШНИНГ

Хитой рақамли иқтисодиёти келажакда янада ривожланиш имкониятига эга. 2026 йилга келиб, Хитой рақамли иқтисодиётининг ҳажми 10 триллион долларга етиши ва мамлакат ЯИМнинг 50% дан ортигини ташкил этиши прогноз қилинмоқда [29].

Хитойнинг “**14-беш йиллик режаси**” доирасидарақамли иқтисодиётни ривожлантириш бўйича қуйидаги асосий мақсадлар белгиланган [30]: Улар, рақамли иқтисодиётнинг ЯИМдаги улушини 60% га етказиш, 5G тармоғини аҳолининг 95% ига етказиш, янги авлод сунъий интеллект технологияларини яратиш, рақамли Хитой қурилишини тезлаштириш, саноатни рақамли трансформация қилиш жараёнини чуқурлаштириш ва рақамли бошқарув тизимини такомиллаштиришдан иборат.

Бунга эришиш учун Хитой кейинги авлод рақамли технологияларини, жумладан куантли ҳисоблаш, 6G алоқа тизимлари ва метаверс технологияларини ривожлантиришга катта эътибор қаратмоқда. Эксперт ҳисоб-китобларига кўра, 2025-2030 йиллар давомида Хитой рақамли иқтисодиётининг ўртача йиллик ўсиш суръати 10-12% атрофида бўлиши кутилмоқда.

Бироқ, Хитой рақамли иқтисодиёти олдида бир қатор қийинчиликлар ҳам мавжуд. Жумладан, АҚШ ва бошқа Ғарб мамлакатлари билан технологик рақобат, кибер хавфсизлик таҳдидлари, рақамли тенгсизлик ва малакали мутахассислар етишмовчилиги каби муаммолар мавжуд. АҚШ томонидан асосий технологияларни, хусусан, юқори технологияли чиплар, сунъий интеллект дастурий таъминоти ва куантли ҳисоблаш технологиялари-ни етказиб беришга қўйилган чекловлар Хитой рақамли

иқтисодиётнинг ривожланишига тўсқинлик қилмоқда.

Шунингдек, рақамли технологияларнинг жадал ривожланиши туфайли бандлик соҳасида ҳам қатор ўзгаришлар кутилмоқда, бу эса ишчи кучини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш зарурлигини келтириб чиқаради. McKinsey Global Institute тадқиқотларига кўра, 2030 йилга келиб, Хитойдаги мавжуд иш ўринларининг 220 миллионга яқини (30%) автоматлаштирилиши мумкин, бу эса меҳнат бозорида жиддий ўзгаришларга олиб келади.

Келажақда Хитой рақамли иқтисодиёти янада ривожланиш истиқболларига эга, бироқ глобал технологик рақобат, кибер хавфсизлик, рақамли тенгсизлик ва бандлик соҳасидаги ўзгаришлар каби қийинчиликларни ҳал қилиш зарур. Хитой ҳукумати томонидан белгиланган асосий мақсад - 2035 йилга келиб рақамли иқтисодиёт соҳасида жаҳон етакчиси бўлишдир, ва бу мақсадга эришиш учун кучли стратегик режа ишлаб чиқилган.

#### ТАҲЛИЛЛАР

Хитойдаги рақамли иқтисодиёт ривожланишига таъсир этувчи омилларни эконометрик моделлаштириш орқали аниқлаш ва уларнинг ўзаро таъсирини миқдорий баҳолашдан

иборат. Бундай таҳлил рақамли иқтисодиёт ривожланишига таъсир этувчи асосий омилларни аниқлаш ва келажақда уларни оптималлаштириш бўйича илмий асосланган таклифларни ишлаб чиқиш имконини беради. Тадқиқот доирасида ишлаб чиқилган эконометрик модель рақамли иқтисодиёт ривожланишининг макроиқтисодий омилларини комплекс таҳлил қилиш имконини беради. Модель 2011-2024 йиллар давомида тўпланган статистик маълумотлар асосида рақамли иқтисодиётни ривожланиши ва унга таъсир этувчи омиллар ўртасидаги миқдорий боғлиқликларни аниқлайди. Ушбу модель қуйидаги натижаларни намоиш этади:

**Омилларнинг таъсир кучи** - рақамли иқтисодиёт ривожланишига ҳар бир омилнинг (интернет тарқалиши, электрон тўловлар, рақамли кўникмалар ва бошқалар) қанчалик кучли таъсир этишини миқдорий баҳолайди.

**Боғлиқликлар ва тенденциялар** - омиллар ўртасидаги ўзаро боғлиқликларни, шунингдек, вақт ўтиши билан уларнинг ўзгариш тенденцияларини аниқлайди.

**Устувор йўналишлар** - рақамли иқтисодиёт ривожланишига энг кучли таъсир кўрсатадиган омилларни аниқлаб, устувор йўналишларни белгилашга ёрдам беради.

5-жадвал.

Хитойнинг рақамли иқтисодиёт кўрсаткичлари [1]

Кўрсаткичлар	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020	2021	2022	2023	2024
Интернетдан фойдаланиш (%)	38.3	42.3	45.8	47.9	50.3	53.2	54.3	59.2	64.1	70.1	73.1	75.6	80.5	85.3
АКТ товарлари экспорти (%)	18.0	19.6	20.6	19.7	23.4	23.8	22.7	22.7	22.4	25.0	23.7	22.1	23.8	28.1
Мобил тўловлар (триллион)	1.2	3.8	9.6	22.6	108.2	157.5	202.9	277.4	347.1	332.4	435.2	502.8	555.3	618.9
Электрон тижорат савдоси (%)	4.5	5.0	6.3	10.0	12.6	14.3	15.8	18.4	20.8	24.9	27.5	29.4	32.5	46.2
Рақамли технологияларга харажатлар (%)	1.84	1.97	2.00	2.10	2.20	2.23	2.36	2.14	2.23	2.40	2.44	2.55	3.65	3.4
Ҳар 100 кишига мобил алоқа обуналари	53.2	61.3	69.4	72.8	73.4	77.8	84.6	85.5	89.1	89.4	89.5	90.0	91.8	94.5
АКТ кўникмалари индекси	4.5	4.8	5.0	5.3	5.5	5.7	5.9	6.2	6.4	6.5	6.7	6.8	6.9	7.2
Ҳар 100,000 аҳолига СТЕМ битирувчилари	527	563	598	634	667	695	722	756	798	834	859	873	897	904
Большие данные стали ключевыми и для **бизнес-сектора** – банков, телекоммуникаций, ритейла – и этот опыт переносится и в социальный мониторинг. Например, в Узбекистане рынок аналитики Big Data пока находится на ранней стадии, но быстро развивается: уровень проникновения технологий пока невысок, что, однако, означает огромный потенциал их дальнейшего внедрения. Уже есть успешные кейсы: крупнейшие банки Узбекистана внедряют системы хранения и анализа данных. Так, TBC Bank использует скоринговую ML-модель для работы с должниками, а Узпромстройбанк реализовал корпоративное хранилище данных и BI-систему для интеграции данных из разных источников и углубленного анализа. В телеком-отрасли рост числа интернет-пользователей (на 25% в 2021 г. по сравнению с 2020 г.) генерирует лавину цифровых следов, и компании собирают эти данные о поведении абонентов, чтобы улучшать услуги. Таким образом, и в Центральной Азии большие данные становятся важным фактором: с одной стороны, они позволяют получать более точные и локальные знания о социальных трендах, с другой – ставят вопросы о нехватке квалифицированных аналитиков и инфраструктуры для работы с ними.

#### **Результаты и обсуждение**

Рассмотренные информационно-аналитические подходы открыли новые возможности в изучении и мониторинге социальных процессов. Их применение уже принесло конкретные

научные и практические результаты, которые стоит обсудить, а также выявило ряд проблем, требующих решения.

**1. Интеграция методов и архитектуры систем.** На практике перечисленные парадигмы редко используются изолированно – напротив, для достижения наилучшего результата их объединяют в комплексные архитектуры. Современная информационно-аналитическая система социального мониторинга может одновременно включать: сбор данных из соцмедиа (Big Data-платформа), их предварительную обработку и индексирование (семантический анализ, онтологии для разметки сущностей), модуль интеллектуального анализа (машинное обучение выявляет шаблоны, нечеткая логика оценивает значимость и неопределённость), модуль представления знаний (граф знаний, в который агрегируются все извлеченные факты), и, наконец, интерфейс для конечных пользователей-аналитиков (дашборды, генерация отчетов). Такая многоуровневая схема отражена, например, в работе V. Zavarella и др., где предложен конвейер для построения графа знаний по твиттам о цифровой трансформации. На этапе предобработки они используют парсинг текста и кластеризацию слов для выделения отношений, затем информация сохраняется как множество тройки субъект–предикат–объект, формируя знаниевый граф, по которому проводится анализ. Подобные **поточно-параллельные архитектуры** обеспечивают как масштабируемость (можно обрабатывать сотни тысяч сообщений), так и семантическую глубину анализа (учитываются значения слов, контекст, а не только их частота).

Эксперименты показывают, что комбинация подходов позволяет достичь высоких показателей эффективности. Например, в задаче анализа общественного мнения о государственных услугах: машинное обучение (скажем, классификатор на основе нейросети) успешно делит отзывы на «положительные» и «отрицательные» с точностью выше 90%, но не дает интерпретации причин. Добавление же семантического компонента (онтологии, выделение ключевых концептов из текста) позволяет понимать, какие аспекты услуг вызывают недовольство. Если включить еще и нечеткую логику, можно количественно оценивать степень негатива (в процентах), что даёт более тонкую градацию для мониторинга динамики настроений. Таким образом, совмещение разных методов обеспечивает более богатую картину. В частности, отмечается, что интеграция подходов приводит к появлению новых метрик

и критериев. Так, сочетание графов знаний и методов ML дало развитие методу **link prediction** – предсказания появления новых связей в социальном графе (например, вероятность, что пользователь присоединится к той или иной группе по интересам). А включение онтологий повысило интероперабельность данных и позволило извлекать из исходного набора новые отношения, ранее неявные.

**2. Примеры приложений.** Перечислим некоторые примеры, где современные информационно-аналитические системы успешно применены для социальных задач:

- *Мониторинг общественного мнения и СМИ.* В международной практике распространены платформы мониторинга социальных медиа, которые с помощью NLP и семантического анализа отслеживают упоминания ключевых тем, измеряют тональность (sentiment) и выявляют информационные вбросы. Например, система, основанная на онтологиях и анализе тональности, использовалась для мониторинга отзывов о городской инфраструктуре: она автоматически выделяла из твитов жалобы на транспорт, ЖКХ, классифицировала их по тематикам и

- распределяла по районам города для оперативного реагирования властей. Такие системы позволяют анализировать процессы в **динамике** или ретроспективно, строя временные ряды показателей. Отметим, что динамический (временной) анализ – важный компонент: например, сравнивая настроение в соцсетях до и после внедрения реформы, аналитическая система выявляет эффект этой реформы на общественное восприятие. В статьях по мониторингу СМИ подчеркивается, что **ретроспективный анализ** контента полезен для исследования процессов: прослеживание изменений темы или тона сообщений во времени даёт ценные инсайты.

- *Прогнозирование социальных показателей.* Современные инструменты позволяют использовать Big Data для построения прогностических моделей. Например, в работе А. Тимонина и др. предложены [4] математические модели для **социального профилирования** на основе больших данных и нечетких критериев. Реализованная система собирает неструктурированные данные из публичных веб-источников и оценивает значимость информации о человеке или группе, тем самым улучшая актуальность и достоверность профиля. Это может применяться для прогноза социальной мобильности, идентификации потенциальных лидеров мнений или, напротив, лиц, попадающих

в группу риска социального отчуждения. Другой пример – прогнозирование демографических трендов по данным социальных сетей: в некоторых исследованиях анализ частоты упоминания вопросов переезда, трудоустройства, семейных событий в соцмедиа помогает предсказывать миграционные потоки и изменение рождаемости/ смертности с определённым упреждением относительно официальной статистики. Здесь машинное обучение ловит статистические корреляции, обработка естественного языка позволяет из огромного текстового массива выделить релевантные сигналы (например, посты «переехал на новое место»), а большие данные дают необходимый масштаб охвата.

- **Анализ и прогнозирование поведения населения.** В период пандемии COVID-19 методы вычислительной социальной науки продемонстрировали свою пользу. Большие данные (например, агрегированные данные мобильных операторов) применялись для отслеживания перемещений населения и выявления нарушений карантина. На основе этих данных строились модели распространения вируса, учитывающие **социальные графы контактов**. В некоторых странах применялись экспертные системы для оценивания сценариев – например, система могла моделировать, как изменение строгости ограничений повлияет на социальную активность и, как следствие, на эпидемиологическую обстановку. Эти системы комбинировали статистические модели (SEIR-модель эпидемии) с логическими правилами (например, «если индекс самоизоляции падает ниже X, прогнозируется всплеск случаев через Y дней”).

- **Обработка обратной связи граждан.** В контексте электронного правительства часто создаются порталы, куда граждане обращаются с жалобами и предложениями. **Семантический анализ и классификация** таких обращений позволяют автоматически распределять их по категориям (ЖКХ, здравоохранение, транспорт и т.д.), определять степень эмоциональной окраски (срочность, негативность) и даже извлекать геолокацию проблемы. Применение онтологий государственного управления помогает привести различные формулировки к стандартным категориям, а машинное обучение обучается на размеченных данных, чтобы прогнозировать, какое ведомство должно реагировать. Это делает обработку обращений масштабируемой: даже если их десятки тысяч, система автоматически фильтрует и направляет по назначению. В Узбекистане, например, функционирует Единый портал обращений

граждан; потенциально, интеграция описанных технологий могла бы позволить анализировать поступающие обращения не только по отдельности, но и в совокупности – выявляя системные проблемы, горячие точки на карте страны, оценивая удовлетворенность решением проблем по последующей реакции заявителей.

3. **Текущие вызовы.** Несмотря на значительные успехи, в использовании информационно-аналитических систем для социальных процессов сохраняется ряд проблем. Во-первых, **качество и предвзятость данных:** социальные большие данные зачастую неполны (не все группы населения одинаково представлены онлайн), содержат шум и могут содержать встроенные предубеждения. Алгоритмы машинного обучения обучаются на таких данных и рискуют воспроизводить или усиливать bias. Требуются методы **очистки и нормализации данных**, а также этические стандарты и контроль со стороны человека. Во-вторых, **масштабируемость и эффективность:** с ростом данных растёт и вычислительная сложность. Многим алгоритмам, особенно для графового анализа или сложного NLP, сложно работать в реальном времени на потоке. Необходимы дальнейшие исследования в области потокового ML, распределённых алгоритмов, приближённых вычислений, чтобы обеспечить своевременную аналитику. В-третьих, **интерпретируемость моделей:** сложные нейронные сети часто работают как «чёрный ящик», что затрудняет доверие к их выводам в критически важных социальных приложениях. Здесь актуально развитие методов XAI (Explainable AI) – например, интеграция объяснительных модулей, как в экспертных системах, предоставляющих пользователю обоснования («система прогнозирует рост напряжённости, потому что зафиксирован рост безработицы на X% и падение индекса доверия на Y%»). В-четвертых, **конфиденциальность и безопасность данных:** при сборе и анализе массовых данных о гражданах остро стоит задача обезличивания, защиты от утечек и несанкционированного использования. Правовые ограничения (например, GDPR в Европе) диктуют необходимость встроенных решений для конфиденциальных вычислений. Разработки в области *Federated Learning* и *Privacy-Preserving Data Mining* могут помочь использовать данные распределенно, без их концентрации и с сохранением приватности.

4. **Перспективы развития.** Будущие направления развития информационно-аналитических подходов к социальным процессам, вероятно,

будут связаны с дальнейшим сближением методов ИИ и социальной теории. Некоторые перспективы включают:

- **Развитие мультidisциплинарных моделей.** Внедрение знаний из социологии, психо-логии напрямую в алгоритмы ИИ. Например, глубокие модели, учитывающие социально-психологические эффекты (конформизм, влияние лидеров мнений) при прогнозировании распространения мнений. Или симуляционные модели, комбинирующие агент-ориентированный подход с машинным обучением, когда агенты в симуляции “обучаются” на больших данных реального мира.

- **Улучшение технологий знаний.** Создание всеобъемлющих онтологий общества – формальных моделей, описывающих ключевые сущности и процессы (возможно, на основе совместных международных усилий), что позволит унифицировать анализ данных разных стран и регионов. Расширение глобальных графов знаний (таких как Wikidata, DBpedia) информацией социального характера и разработка эффективных средств их обновления в реальном времени из потоков данных.

- **Применение новых алгоритмов ИИ.** Новые архитектуры нейросетей (например, трансформеры) уже показали свою силу в анализе текстов. В будущем вероятно появление специализированных социальных трансформеров, обученных на гигантских массивах социальных данных, способных выполнять одновременно множество задач (NLP, прогнозы, рекомендации) и адаптированных под языки, используемые населением (включая редкие языки). Кроме того, рост мощностей позволит применять более тяжеловесные модели, например, имитирующие работу больших экспертных коллективов (ensemble-подходы, где совмещаются разные модели, имитируя расстановку акцентов, как это делают разные эксперты).

- **Демократизация аналитики.** Инструменты Big Data и ИИ становятся доступнее не только корпорациям, но и более мелким организациям и даже отдельным исследователям. **Появляются все более простые в использовании платформы** (low-code/no-code решения для анализа данных, облачные сервисы, готовые модели), что позволит расширить круг пользователей. Это особенно важно для государственных и общественных организаций, у которых может не быть больших ИТ-отделов – благодаря democratization of AI они смогут тоже извлекать пользу из накопленных данных.

В заключение, информационно-аналитические подходы к исследованию социальных процессов переживают фазу бурного развития и инноваций. Ретроспективный анализ показывает путь от первых экспертных систем и статистических моделей к современным гибридным платформам, объединяющим нечеткую логику, семантические технологии, большие данные и искусственный интеллект. Уже сейчас они позволяют качественно по-новому мониторить общественное мнение, прогнозировать социальные изменения и поддерживать принятие решений. Международный опыт – от анализа социальных медиа в реальном времени до построения сложных графов знаний для социальных наук – демонстрирует эффективность таких систем. В Узбекистане и Центральноазиатском регионе, несмотря на начальный этап внедрения, также отмечается рост интереса к Big Data и ИИ для решения задач экономики и управления [18].

**Заключение.** Подводя итог, можно констатировать, что информационно-аналитические системы стали неотъемлемым инструментом изучения социальных процессов, обеспечивая синтез математических методов, программного обеспечения и социально-гуманитарных знаний. IMRaD-структура анализа позволила рассмотреть и методологические основы (модели, алгоритмы), и практические результаты их применения. Основные современные парадигмы – нечеткая логика, семантический анализ, онтологии, графы знаний, экспертные системы, алгоритмы ИИ и Big Data – дополняют друг друга и вместе образуют мощный арсенал для социологов, демографов, политологов и управленцев. Они обеспечивают более глубокое понимание социальных явлений и позволяют реагировать на вызовы времени (будь то эпидемии, экономические кризисы или изменение общественных настроений) на основании данных и знаний.

В дальнейшем успех будет зависеть от преодоления текущих вызовов – обеспечения качества данных, прозрачности алгоритмов, защиты приватности – и от подготовки квалифицированных кадров, способных работать на стыке ИТ и социальных наук. Перспективы представляются обнадеживающими: дальнейшее развитие вычислительных мощностей и методов ИИ, усиление международного сотрудничества (в том числе с учётом локального опыта, например, центральноазиатского) будут способствовать появлению ещё более совершенных информационно-аналитических систем [1,2,10]. Это, в свою очередь, позволит принимать более

обоснованные управленческие решения, лучше понимать динамику общества и, в конечном итоге, повысить благополучие населения за счет прогностический обоснованной социальной сфере.

#### СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Zadeh L.A. Fuzzy Sets // Information and Control. – 1965. – Vol. 8. – P. 338–353.
2. Gruber T.R. A Translation Approach to Portable Ontology Specifications // Knowledge Acquisition. – 1993. – Vol. 5, No. 2. – P. 199–220.
3. Meditsky A.B., Shestakov A.V. Семантическое извлечение данных в условиях Big Data // Вестник компьютерных и информационных технологий. – 2018. – № 8. – С. 3–11.
4. Тимонин А.Ю., Угнева И.А., Климов Д.Ю. Семантические социальные профили в задачах мониторинга и прогнозирования социальных процессов // Социосфера. – 2022. – № 1. – С. 22–34.
5. Farman Ali et al. Public Sentiments Analysis Based on Fuzzy Logic // IEEE Access. – 2019. – Vol. 7. – P. 37752–37763.
6. Amir Karami et al. Fuzzy Thematic Clustering for Identifying Topics and Themes in Textual Data // Journal of Information Science. – 2021. – Vol. 47(1). – P. 34–45.
7. Barabási A.-L., Albert R. Emergence of Scaling in Random Networks // Science. – 1999. – Vol. 286. – P. 509–512.
8. Watts D.J., Strogatz S.H. Collective dynamics of 'small-world' networks // Nature. – 1998. – Vol. 393. – P. 440–442.
9. Mitchell T.M. Machine Learning. – McGraw Hill, 1997. – 432 p.
10. Каменский А.В., Волкова С.В. Big Data: технологии обработки и анализа // Научный рецензируемый журнал «Информационные технологии». – 2021. – № 1. – С. 23–31.
11. Bello-Orgaz G., Jung J.J., Camacho D. Social Big Data: Recent achievements and new challenges // Information Fusion. – 2016. – Vol. 28. – P. 45–59.
12. Zavarella V., Kalloubi D., Reforgiato Recupero D. Towards a knowledge graph based framework for social media analytics // Expert Systems with Applications. – 2022. – Vol. 203. – P. 117–137.
13. Фомин С.В., Кузнецов А.А. Экспертные системы: теория и практика. – СПб.: Питер, 2020. – 272 с.
14. Снежнев А.М., Павлов П.А. Обработка естественного языка и анализ текстов. – М.: ДМК Пресс, 2021. – 304 с.
15. Vrandečić D., Krötzsch M. Wikidata: A Free Collaborative Knowledge Base // Communications of the ACM. – 2014. – Vol. 57(10). – P. 78–85.
16. Дмитриев Д.А. Архитектуры Big Data: от Hadoop до Spark и Flink // Системный администратор. – 2020. – № 6. – С. 43–53.
17. Базаров А.Ш., Юнусов Н.К. Потенциал Big Data в цифровизации экономики Узбекистана // Экономика и инновационные технологии. – 2021. – № 6. – С. 193–215.
18. Мусинова Ш.Х. Интеллектуальные технологии в управлении социальными данными: перспективы для Узбекистана // Информационные системы и технологии. – Ташкент, 2023. – № 1. – С. 48–58.
19. Рис-1. ПРИМЕНЕНИЕ АЛГОРИТМОВ ИИ ДЛЯ АНАЛИЗА СОЦИАЛЬНЫХ ПРОЦЕССОВ (Авторская разработка).

**Annotatsiya:** Maqolada ijtimoiy jarayonlarni o'rganishda axborot-tahliliy yondashuvlarning zamonaviy paradigmalar nuqtayi nazaridan tahlili keltirilgan. Qat'iy mas mantiq, semantik tahlil, ontologiyalar, ekspert tizimlari va katta hajmdagi ma'lumotlar texnologiyalarining tarixiy rivoji va amaliy qo'llanishi yoritilgan. Sun'iy intellekt, bilimlar grafigi va intellektual modellarni ijtimoiy monitoring, prognozlash va boshqaruv qarorlarini qo'llab-quvvatlashda integratsiya qilish zarurligi asoslab berilgan. Ekspert va analitik tizimlarning arxitekturaviy sxemalari keltirilgan. Xalqaro tajriba va O'zbekistondagi amaliy misollar tahlil qilingan.

**Kalit so'zlar:** ijtimoiy jarayonlar, axborot-tahliliy tizim, qat'iy mas mantiq, semantik tahlil, ontologiya, Big Data, ekspert tizimi, bilim grafigi, sun'iy intellekt, monitoring.

**Annotation:** The article explores information-analytical approaches to studying social processes through the lens of modern computational paradigms. A retrospective review of the development and application of fuzzy logic, semantic analysis, ontologies, expert systems, and Big Data technologies is presented. The integration of artificial intelligence, knowledge graphs, and intelligent models is justified for monitoring, forecasting, and supporting decision-making in the social domain. Architectural schemes of expert and analytical systems are provided. Both international practices and applications in Uzbekistan are discussed.

**Keywords:** social processes, information-analytical system, fuzzy logic, semantic analysis, ontology, Big Data, expert systems, knowledge graph, artificial intelligence, monitoring.

# Жамоатчилик кенгашлари Йиғилишларида ижро тизимидаги вазифалар муҳокамаси

Тўйчи АХМЕДОВ,  
сиёсий фанлар доктори, профессор.

**Аннотация:** Ушбу мақолада жамоатчилик кенгашлари йиғилишларида муҳокама қилинаётган ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий масалалар ёритилган. Ижро этувчи ҳокимият ҳузуридаги кенгашларнинг коллегиял орган сифатидаги ўрни ошиб бораётганлиги асослаб берилган. Бугунги кунда жамоатчилик кенгашлари давлат ва халқ ўртасидаги мулоқот учун муҳим механизмга айланмоқда. Фуқаролик жамиятини ривожлантириш ва давлат бошқарувини демократлаштиришда жамоатчилик кенгашларининг роли ошиб бораверади. Мақолада Ўзбекистондаги жамоатчилик кенгашлари бўйича тадқиқот натижалари келтирилган.

**Калит сўзлар:** жамоатчилик кенгаши, ижро этувчи ҳокимият, мажлис, қонун, қарор қабул қилиш, кенгаш, Япония, эксперт гуруҳлари.

Бугунги кунда ривожланган мамлакатларнинг деярли барчасида у ёки бу кўринишда давлат ва жамоат ташкилотлари шериклиги намоён бўлаётганини кўришимиз мумкин. XX аср охирига келиб, жамоатчилик кенгашлари эркин фуқаролик жамиятининг муҳим унсурларидан бирига айланиб қолди. Шунинг учун барча ривожланган давлатлар каби Ўзбекистон Республикасида ҳам бугунги кунда фуқаролик жамияти куришда амалга оширилиши лозим бўлган долзарб масалалардан бири жамоатчилик кенгашлари фаолиятини такомиллаштиришнинг зарурлигидир. Фуқаролик жамияти институтларининг янада ривожланишига эришиш, амалга оширилаётган ислохотларнинг очиқ-ошкоралиги ва самарадорлигини таъминлашда жамоатчилик кенгашлари муҳим аҳамият касб этади.

Қарор қабул қилиш социологиясини ўрганган олимлардан бири инглиз социологи Э.Гидденс маслаҳатлашув, яъни кенгашишнинг норасмий муносабатлар билан алоқадорлигини ўрганди. Ходимлар қийинчилик туғдирган муаммоларни ечишда ўзларининг бевосита раҳбарлари билан маслаҳатлашишларидан кўра ўзлари билан бир поғонада турган бир-бирига яқин бўлган ходимлар билан маслаҳатлашиш самарали кечди. Э.Гидденс Японияни намуна қилиб кўрсатди. Йирик япон фирмаларида ҳокимият пирамидалари йўқ. Япония фирмаларида қуйи лавозимларни эгаллаб турган ишчилар билан бошлиқлар олиб борилаётган сиёсат борасида маслаҳатлашадилар ва ҳатто, энг юқори

даражадаги раҳбарлар ишчилар билан учрашиб турадилар. Японлар бу тизимни “қуйидан юқорига” тамойили бўйича қарор қабул қилиш деб атайдилар[3; 318-319, 322].

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш соҳасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, ижтимоий шериклик тўғрисидаги қонунни муҳокамаси кенг жамоатчилик ва эксперт гуруҳлари томонидан ҳозирги кунда муҳокама қилинмоқда. Бу турдаги қонунларни дунё тажрибасидан келиб чиқиб, ўзимизга хос хислатларни инобатга олиб мамлакатимиз ҳаётига тўғри, оқилona татбиқ этиш мақсадга мувофиқ. Жумладан, Россия федерациясида ташкил этилгани каби Ўзбекистонда ҳам ижтимоий шерикчиликни ривожлантиришда иш берувчиларнинг касаба уюшмаларини ташкил этилиши ижтимоий шерикчиликни ривожланишида катта аҳамият касб этади.

Ижро этувчи ҳокимият ҳузуридаги маслаҳат кенгаш органлари вазирлик ва идоралар ишига бевосита аралашмаса-да, таклифлар бериб бориш ваколатига эга. Биз ўрганаётган кўмаклашувчи маслаҳат органлари йиғилишлари даврий равишда ўтказилади. Чунки жамоатчилик асосида фаолият юритадиган коллегиял органлар муайян вақтда тўпланади ёки иштирокчиларнинг розилиги билан ёзма баённома расмийлаштирилади. Нима бўлганда

хам, идоралараро коллегиял органлар ва жамоатчилик кенгашлари мажлисларида тегишли вазифалар муҳокамаси ўтказилади. Бундай кенгашлар ихтисослашув хусусиятига эга: ҳар бир коллегиял орган аниқ бир соҳани мувофиқлаштирувчиси ҳисобланади ёки жамоатчилик кенгаши битта вазирлик ва идоранинг фаолияти билан чекланади. Шундай экан ижро органлари ҳузуридаги кенгашларнинг бир нечаси мисолида тадқиқотни давом эттираммиз.

Энди жамоатчилик кенгашлари ҳақида мисол келтирсак. Бундай кенгаш Рақамли технологиялар вазирлигида “жамоатчилик маслаҳат Кенгаши”, деб номланади. Кенгашнинг асосий вазифаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари билан белгиланган вазифалар мазмун-моҳиятини тадбиркорлик субъектларига етказиб бериш, тегишли ҳудудда яшовчи фуқароларга тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишда лицензия масалалари бўйича маслаҳат бериш, тадбиркорлик субъектлари фаолиятида юзага келадиган муаммоли масалаларни ҳал этишда ваколат доирасида кўмаклашиш, соҳада кўрсатилаётган хизматлар сифатини оширишдан иборат[1].

Рақамли технологиялар билан боғлиқ масалаларда мазкур кенгаш ўзининг қарорлари билан тадбиркорлик субъектларига маслаҳат беради, улар фаолиятида юзага келадиган муаммоли масалаларни ҳал этишда ваколат доирасида кўмаклашади, соҳада кўрсатилаётган хизматлар сифатини оширишга хизмат қилади. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларининг эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда уларнинг таклифларини ўрганади ва умумлаштириб, қонун ва қонуности норматив ҳужжатларига ўзгартириш ёки қўшимчалар киритиш бўйича зарур таклифларни тайёрлайди[1] ва ҳоказо. Бевосита тадбиркорлар билан муносабатларни олиб борилиши кенгаш орқали муқобил ечимларни муҳокама қилишда муҳим роль ўйнайди.

Жамоатчилик кенгашлари йиғилишларида турли лойиҳалар муҳокама қилиб борилмоқда. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг (ҳозирги Инновацион ривожланиш агентлиги) 2022 йил 20 сентябрдаги Жамоатчилик кенгаши йиғилишида мазкур вазирлик Ҳайъати томонидан молиялаштирилиши рад этилган 2 та лойиҳа муҳокама қилинди. “Хусусан, “Маҳаллий хом ашё асосида ёнғин хавфсизлиги жанговар кийимлари учун оловбардош композицияларни

олиш технологиясини ишлаб чиқиш” мавзусидаги бажарилиши уч йилга мўлжалланган амалий лойиҳа бўйича вазирлик Ҳайъати томонидан қабул қилинган қарор асосли деб топилиб, ўзгартирилди. Ўз навбатида, лойиҳани такомиллаштирган ҳолда вазирлик томонидан эълон қилинадиган навбатдаги танловларга топшириш мумкинлиги қайд этилди. Шунингдек, “Инновацион технологияли радиолокацион космик тасвирлардан фойдаланган ҳолда Ўзбекистондаги музликлар ва қор кўчкиларини тадқиқ қилиш” мавзусидаги бажарилиши икки йилга мўлжалланган амалий лойиҳа муҳокама қилинди. Муҳокама натижаларига кўра, лойиҳани қайта кўриб чиқиш ва молиялаштириш масаласи вазирлик Ҳайъатига чиқарилди[4].

Аввалги Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳузурида Жамоатчилик кенгашининг 2019 йил ноябрь ойидаги йиғилишида “тегишли Президент фармони билан тасдиқланган “2019-2023 йилларда Ўзбекистон Республикасида заргарлик тармоғини ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури”да келтирилган топшириқлар ижроси доирасида ҳукуматимизнинг “Қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлардан заргарлик ва бошқа буюмлар ишлаб чиқаришни лицензиялаш тартиби тўғрисида низомни” тасдиқлаш ҳамда “Заргарлик маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун қимматбаҳо металлларни сотиш ва ҳисоб китобларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом”ни тасдиқлаш ҳақидаги қарорларига ўзгартиришлар киритиш юзасидан ишлаб чиқилган қарор лойиҳалари муҳокамага қўйилди. Қун тартибига қўйилган масалалар бўйича муҳокамада Кенгаш аъзолари томонидан айрим фикр ва мулоҳазалар ҳамда таклифлар билдирилди. Йиғилиш якунида мазкур ҳужжатнинг мазмун-моҳиятини жамоатчиликка етказиш борасида аниқ вазифалар белгилаб олинди” [5]. Ёки Иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгашининг 2022 йил 10 февралдаги йиғилишда кенгаш таркибини келишиш ҳамда вазирлик томонидан ишлаб чиқилиши кутилаётган норматив-ҳуқуқий ва идоравий ҳужжатларни муҳокама қилиш бўйича 2022 йил II чорагига мўлжалланган тадбирлар режасини тасдиқлаш масаласи муҳокама қилинган[5].

Жамоатчилик кенгашларини ташкил этиш борасида алоҳида тартиб Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгашига тааллуқли. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 апрелдаги ПФ-49-сон фармони билан мазкур Жамоатчилик кенгашининг низоми тасдиқланган. Жамоатчилик кенгашига юклатилган вазифалар

сифатида “фуқаролар, жамоат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг мудофаа соҳасида олиб борилаётган давлат сиёсатида оид ташаббус ва мурожаатларини ўрганиб чиқади, тегишли давлат органларига уларни ҳаётга татбиқ этишга доир таклифлар киритади; Мудофаа вазирлиги (ҳарбий округ, ҳарбий қисмлар (муассасалар) қўмондонликлари) нинг фуқаролар, жамоат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ҳамкорлик қилиш, ўз фаолияти ҳақида жамоатчиликни хабардор қилиб бориш шакллари ва усулларини таҳлил қилади ҳамда уларни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади; мудофаа ва ҳарбий қурилиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг атрофлича ўрганиб чиқилишини ташкиллаштиради” ва ҳоказоларни келтириш мумкин[2]”.

Мазкур жамоатчилик кенгашининг айрим йиғилишлари Мудофаа вазирлиги расмий веб-сайтида ёритиб борилмоқда. Масалан, 2023 йил 18 апрель куни ўтказилган йиғилишда “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-49-сон фармони асосида тайинланган Жамоатчилик кенгашининг янги таркибини таништириш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 апрелдаги Ф-49-сон фармонида мувофиқ Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг асосий вазифалари, Жамоатчилик кенгаши комиссиялари таркибини тасдиқлаш, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгашининг истиқболдаги

вазифалари бўйича 2023 йил давомида белгиланган вазифалар асосидаги фаолият иш режасини тасдиқлаш” масалалари муҳокама қилинган[6].

Италиялик олим Ф. де Андреснинг фикрича, жамоа аъзоларининг бир-бири билан қандай муносабатда бўлиши қарор қабул қилиш учун муҳит яратади. Муҳитларни ўрганаётганда, асосий эътибор жамоа қарорга эришиш учун қўллаши мумкин бўлган қадамларга ҳам, қарорга келиш учун турли хил позициялар қандай бирлаштирилишига ҳам қаратилади. Жамоа аъзоларининг бир-бирини қандай тинглаши, бир-бирига савол бериши ҳамда ўз позицияларини қандай тақдим этиши ҳисобга олинади. Тадқиқот натижаларига кўра гуруҳнинг қарор қабул қилиш жараёнидаги натижаси ўртача самарадорликдан юқори[7].

Шундай қилиб, ижро этувчи ҳокимият ҳузуридаги жамоатчилик кенгашларининг муҳокама йўналишлари айнан мазкур кенгаш бўйича тасдиқланган намунавий низом асосида ташкил этилади. Аммо ижро этувчи ҳокимият фаолияти билан боғлиқ вазифаларнинг ўзига хос томонлари борлиги аниқ. Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги жамоатчилик кенгаши мазкур тизимдаги муаммоларнинг муҳокамасини амалга оширади. Табиийки, бундай кенгаш аъзолари соҳага яқин бўлган ташкилотлардан ва бевосита соғлом турмуш-тарзи бўйича ташкил этилган ёки фуқаролар соғлиқни сақлаш соҳасида кўп мурожаат қиладиган нодавлат нотижорат ташкилотлар вакилларидан шакллантирилади. Жамоатчилик кенгаши таркиби унинг муҳокамалари сифатини ва самарадорлигини белгилаб беради.

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. “O‘zbekiston Respublikasi Axborot texnologiyalari va kommunikatsiyalarini rivojlantirish vazirligi jamoatchilik maslahat Kengashi to‘g‘risida nizom”, 09.12.2016 // [https://mitc.uz/uz/pages/council\\_orders](https://mitc.uz/uz/pages/council_orders)
2. O‘zbekiston Respublikasi Mudofaa vazirligi huzuridagi Jamoatchilik kengashi to‘g‘risida Nizom (O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 11.04.2023-y. PF-49-son Farmoniga 1-ilova) / [buxgalter.uz](http://buxgalter.uz)
3. Гидденс Э. Социология. –Т.: Шарқ, 2002. –Б. 862.
4. Лойиҳа жамоатчилик кенгашида муҳокама қилинди // [xs.uz/uzkr/post/moliyalashtirilishi-rad-etilgan-2-ta-lojiha-zhamoatchilik-kengashida-muhokama-qilindi](http://xs.uz/uzkr/post/moliyalashtirilishi-rad-etilgan-2-ta-lojiha-zhamoatchilik-kengashida-muhokama-qilindi)
5. Muhim qarorlar – jamoatchilik muhokamasida // [www.mineconomy.gov.uz/uz/info/2935](http://www.mineconomy.gov.uz/uz/info/2935)
6. 2023-yil 18-aprel kuni O‘zbekiston Respublikasi Mudofaa vazirligi huzuridagi Jamoatchilik kengashining yig‘ilishi va kun tartibidagi masalalar // [www.mudofaa.uz/14856/](http://www.mudofaa.uz/14856/)
7. Federico de Andreis. A Theoretical Approach to the Effective Decision-Making Process// <https://www.scirp.org/journal/paperinformation.aspx?paperid=100896>

**Аннотация:** В статье анализируются социальные, экономические и правовые вопросы, обсуждаемые на собраниях общественных советов, а также возрастающее значение консультативных советов как коллегиального органа исполнительной власти. Сегодня общественные советы становятся важным инструментом коммуникации между властью и обществом. Роль общественных советов возрастает в консолидации гражданского общества и демократизации государственного управления. В данной статье приведены результаты исследования общественных советов в Узбекистане.

**Ключевые слова:** общественные советы, консультативные советы, исполнительная власть, собрание, закон, принятие решений, совет, Япония, экспертные группы.

**Abstract:** In this article social, economic and legal matters that are discussed in the assembly of public councils and the growing importance of advisory councils as a collegial body under executive branch of the government were analyzed. Today public councils are becoming an important instrument of communication between the government and the public. The role of public councils will increase in consolidating civil society and democratising public administration. In this article the results of the research on public councils in Uzbekistan are announced.

**Key words:** Public councils, advisory councils, executive branch, assembly, law, decision-making, council, Japan, expert boards.

# Ёшлар тушунчасининг илмий таҳлили

**Абдихаҳоб ОНОРОВ,**

*Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институтини Ушбу таъминотни мувофиқлаштириш бўлим ходими.*

**Абдихаҳоб ОНОРОВ,**

*Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институтини тадқиқотчиси.*

**Сардорбек ДИЁРОВ,**

*Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институтини тадқиқотчиси.*

**Аннотация:** Мазкур мақолада “ёшлар” тушунчаси мазмун-моҳияти, ижтимоий-гуманитар фанларда берилган таърифлари назарий таҳлил этилган. Ёшлар сиёсатини амалга оширишда “ёшлар” тушунчасини аниқлашчи биологик, психологик, маданий ва ижтимоий ёш мезонларини белгилаб олиш дастур ва чора-тадбирлар ишлаб чиқишда долзарб аҳамиятга эгалиги кўрсатиб берилган.

**Калит сўзлар:** ёш, ёшлик, биологик ёш, вояга етганлик, меҳнат, фуқаро, гуруҳ, социологик талқин, антропологик талқин.

**Кириш.** Ўзбекистонда ёшлар сиёсатини амалга оширишда “ёшлар” тушунчаси мазмун-моҳиятини белгилаб олиш жуда муҳим. Гарчи ушбу тушунча кундалик истеъмолда муайян ёш қатламлари билдирсада, унинг илмий таҳлили бир оз мураккаб ҳисобланади. Илмий адабиётларда ёшлар тушунчасига турлича қарашлар шаклланган бўлиб, уларни бирлаштириб турувчи умумий хусусият тушунчанинг социологик талқини ҳисобланади. Умуман олганда, ёшлар социологияси мазкур ёш тоифасини ўрганувчи асосий ижтимоий дисциплиналардан бири эканлигини ҳисобга олинса, бу табиий ҳолат ҳисобланади. Албатта, ёшлар тушунчасининг биологик, психологик ва антропологик талқинлари ҳам мавжуд. Бироқ кенг истеъмолдагиси айнан социологик талқинлар ҳисобланади.

**Асосий қисм.** Ёшлар ўзи ким деган саволга жавоб топиш мақсадида ёшлар тушунчасига берилган бир қатор таърифларни таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонуннинг 3-моддасида ёшлар тушунчасига қуйидагича

таъриф берилган: “Ёшлар (ёш фуқаролар) – ўн тўрт ёшга тўлган ва ўттиз ёшдан ошмаган шахслар”. Ушбу таърифда ёшлар деганда асосан ҳуқуқий талқиндаги муайян (биологик) ёш оралиғидаги фуқаролар гуруҳи назарда тутилмоқда. Ушбу гуруҳ шахслар сифатида ўзида сиёсий (фуқаро) ва ҳуқуқий (қонун олдида муайян ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга шахс) оқибатларни ифода этибгина қолмасдан, балки давлат сиёсатининг аниқ объектларини ҳам ифода этади. Ёшларга оид давлат сиёсати айнан шу сиёсатнинг муайян объектига таъсир этишни назарда тутаяди. Мазкур қонуннинг эксклюзивлиги шундаки, у жамиятда фуқаролиги бўлмаган шахсларни эътибордан четда қолдиради. Уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари бошқа қонун ва ҳалқаро ҳуқуқ томонидан ҳимоя қилинади ва таъминланади. Шу боис юридик атамада “ёшлар” тушунчаси жамиятдаги мазкур ёш тоифаларини тўлиқ қамраб олмаган бўлади.

Ёшлар-муайян қизиқиш ва қадриятларга, жамият ижтимоий тузилмаларидаги ўзига хос ўрни ва вазифаларига эга маълум бир ёш доирасидаги гуруҳ вакилларидир. Ёшлар турли

жиҳатдан: ёш нуқтаи назаридан (ўсмирлар ва ўспиринлар), жинс бўйича (йигитлар ва қизлар), асосий фаолият тури юзасидан (талабалар ёки ишлаб чиқаришда фаолият юритаётганлар), яшаш жойига кўра (қишлоқ ёки шаҳар ёшлари) тасниф қилиниши мумкин. Мос равишда ёшларнинг гуруҳий ўзини ўзи англаши ва қизиқишлари доираси ҳам фарқланади. Илмий адабиётларда келтирилган юқоридаги каби ижтимоий-демографик гуруҳ хусусидаги қарашларни умумлаштирилиб, уч йўналишга ажратиш мумкин: Биринчидан, ёшлик–инсон ҳаётий даврининг маълум бир даврини билдирувчи тушунча. Демография, психология ва педагогикада «ёш авлод», «ёшлик даври», «ўсмирлик даври», «мактаб, олий ва ўрта махсус касб-хунар таълими даври» атамалари ишлатилади. Болалиқдан етукликка ўтиш босқичи ўсмирлик ҳамда ёшлик (илк ва кечки) даврларига бўлинади. Биологик жиҳатдан ҳар икки давр бир-бирига ўхшаш бўлса-да, бироқ уларнинг хронологик чегараларини аниқлаштиришда муайян жамият тарихий-ижтимоий ривожланиши учун хос бўлган ижтимоийлашув шакл ва усуллари, маданият, таълим характери муҳим аҳамият касб этади. Албатта, турли тарихий даврларда ёшликнинг даврий босқичларини аниқлаштириш мезонлари мос равишда ўзгариб туради. Улар анъанавий-тарихий ва замонавий жамиятларда ҳам акселерация жараёнларига боғлиқ ҳолда татбиқ этилади. Ҳозирги замон социологияси ва статистикасида мазкур даврнинг ёш чегаралари 15-29 ёш этиб белгиланган. Иккинчидан, «ёшлар» атамаси замирида ёш билан боғлиқ ҳолдаги ижтимоий мавқе назарда тутилади. Ёшларнинг ижтимоий мавқеи бир хил бўлмасдан, бу уларнинг асосий фаолият турлари (иш, ўқиш, қўшимча фаолият), ролли тузилмалари, шунингдек, жамиятда ёшлар вакилларига нисбатан шаклланган тасаввур ва стереотиплар билан боғлиқ ҳолда юзага келади. Учунчидан, «ёшлар» тушунчаси ҳукмрон маданият таркибидаги алоҳида, мустақил маданий тузилма, субмаданият сифатида қўлланилади. Бунда ўзига хос қадриятлар, меъёрлар, ҳаёт ва тафаккур тарзига эга инсонлар уюшмасининг муайян шакли назарда тутилади. Ёшлар субмаданияти одатда, ёши нисбатан катта авлодлар дунёқарашига зид келувчи мухолифлик характеридаги (душманона бўлиши шарт эмас) хулқ-атвор ва ташқи кўриниш, бўш вақтни ўтказиш, дам олишнинг ўзига хос шаклини

намоён қилишга интилишда ифодаланади<sup>1</sup>.

Рус олимларидан бири В.Т.Лисовский ёшлар тушунчасига таъриф берар экан, мазкур тоифанинг муайян ижтимоий функцияларни “ўзлаштириш” жараёнидаги авлод эканлигига урғу қаратиб шундай дейди: “Ёшлар – ижтимоийлашув босқичини босиб ўтувчи, аллақачон етук ёшда ўзлаштирилиб бўлинадиган таълимга оид, маданий ва бошқа ижтимоий функцияларни ўзлаштирувчи одамлар авлоди; муайян тарихий шароитларга боғлиқликда ёшларнинг ёш мезонлари 16-30 оралиғида бўлади.”<sup>2</sup> Худди шунга яқин таъриф А.Л.Салагаев ва А.В.Шашкинлар томонидан ҳам берилган. Уларнинг фикрича, ёшлар – бу, балоғатга етганлик мақомини белгиловчи асосий ижтимоий функциялар(таълим, иш, касб, турар жой, оила)нинг тўлиқ шаклланмаганлиги билан характерланадиган ижтимоийлашув босқичини босиб ўтувчи, 14 – 30 ёшлар оралиғидаги ижтимоий-демографик ёш гуруҳидир<sup>3</sup>. Бу ерда шу нарса аён бўладики, ёшлар тушунчасидаги асосий моҳият уларнинг “ижтимоийлашув босқич”даги авлод эканлигини англатади.

И.С.Кон эса ёшлар таърифида “биологик даврийлик”ка уруғу бериб шундай дейди: “Ёшлар – ёш хусусиятлари, ўзига хос ижтимоий ҳолати ва бошқа шартли у ёки бу ижтимоий-психологик тузилишлари асосида ажралиб турувчи ижтимоий-демографик гуруҳдир. Ёшлик муайян фаза сифатида биологик жиҳатдан умумий бўлган ҳаётий айланма даври босқичидир, бироқ унинг ижтимоий мавқеи ва ижтимоий-психологик хусусиятлари билан боғлиқ бўлган аниқ ёш доираси ижтимоий-тарихий табиатга эга ҳамда ўша жамиятга хос бўлган ижтимоийлашув қонуниятлари, маданияти ва ижтимоий қурилишига боғлиқ бўлади.”<sup>4</sup> Конга кўра, ёшлар тушунчаси муайян маданиятлардаги мезонлар билан боғлиқ бўлади. Шу боис турли жамиятлар ёшлар тушунчасини ўз маданий хусусиятларидан келиб чиқиб англайди ва белгилайди. В.Я.Суртаев ёшлар тушунчасига таъриф берар экан уларнинг “қадриятлар тизими шаклланмаган” гуруҳ сифатидаги ҳолатига эътибор қаратади. Унга кўра, ёшлар – бу, ёш одамларнинг ижтимоий ёш гуруҳи бўлиб (баъзида 30 ёшгача), бир томондан, улар турли омиллар таъсири натижасини ўзларида ташиб юрувчи, умуман олганда шаклланган шахсларни ўзида ифодалайди, бошқа томондан, турли таъсирлар остида уларнинг қадриятлари мослашувчан

<sup>1</sup> Қодиров У. Ёшларни деструктив таъсирлардан ҳимоялашнинг психологик жиҳатлари. –Т.: 2013, 236 бет./25-26-бетлар.

<sup>2</sup> Лисовский В. Т. Советское студенчество. Социологические очерки. – М.: Мысль, 1990. – 216 с.

<sup>3</sup> Салагаев А. Л., Шашкин А. В. Молодежные группировки: опыт пилотного исследования // СОЦИС – 2004. – № 9. – С. 50–58.

<sup>4</sup> Кон И. С. В поисках себя: Личность и ее самосознание. – М.: Политиздат, 1987. – 366 с.

бўлиб қолади. Ушбу гуруҳнинг ҳаётий тажрибаси унчалик бой эмас, маънавий-ахлоқий қадриятлар ҳақидаги тасаввурлари одатда ҳали аниқ шаклга кирмаган бўлади<sup>5</sup>. Ушбу таъриф ёшларнинг қадриятларни ўзлаштириш жараёнидаги ва қадриятлар таъсири остидаги маданий гуруҳи эканлигини таъкидлаб қолмасдан, балки ушбу қадриятларнинг ташувчиси эканлигини ҳам ифода этади. Демак, ёшлар нафақат муайян қадриятлар таъсири остида бўлувчи, шунингдек ўша қадриятларни ташувчиси сифатида қадриятлар ўзгаришини кўрсатувчи муҳим ижтимоий қатлам ҳисобланади. Шу орқали улар жамият ижтимоий тузулмасини ўзгартириб боровчи муҳим ижтимоий куч ҳамда жамиятнинг ҳаракатчан қисми бўлиб қолади. Социология лугатида ҳам айнан ёшлар тушунчасига аҳолининг синфий ва ижтимоий қатлами ўзгаришига, ижтимоий ўзгарувчанлигига фаол таъсир кўрсатувчи жамиятнинг анча ҳаракатчан қисмидир дея таъриф берилган<sup>6</sup>.

Шу билан биргаликда бугунги кунда ёшлик даври одатдагидан ўзайиб кетганлиги ҳақида қарашлар шаклланди. Бу уларнинг “етук” ёшга тайёргарлик кўриши сифатида кўриладиган касбий тайёргарлиги тўхтовсиз ва узоқ муддатли жараёнга айланганлиги билан бевосита боғлиқ. Бу ҳолат уларнинг бошқа ҳаётий мақсадлари ва ижтимоий роллари(оила, никоҳ, фарзандли бўлиш)ни ўз вақтида ўзлаштиришларини ҳам ортга суриб юборди. Натижада ёшлик даврида ўзлаштирилиши лозим бўлган ижтимоий функциялар ва кўникмаларнинг ўз вақтида ўзлаштирилмаслиги ушбу даврнинг “умри”ни узайтириб юборди. Е.В.Митягина ва Э.В.Бушкова-Шиклиналар буни “инфантилизация”, ҳаттоки “маргиналлашув” тенденцияси деб талқин этишди<sup>7</sup>. Бу ҳолатлар шахс ёши расмий жиҳатдан белгиланган ёшлик даврдан ўтган бўлса ҳам, унинг ёшларга хос ҳаёт тарзига амал қилиши, ёшлар сингари фаолият олиб боришини англатади<sup>8</sup>.

Социологияда ёшлар тушунчаси жамиятдаги муайян қатъий белгиланган ижтимоий гуруҳни англатса, антропологияда бундай чегарани кўрмаймиз. Маданият призмаси орқали талқин этиш устувор бўлган мазкур фанда ёшларни

“маданий тушунча” сифатида таҳлил этиш кенг тарқалган. Ёшлар муайян маданиятларда “маданият агенти” ҳисобланиб, улар нафақат маданиятга амал қилади, балки уни яратади ҳам. Бу қараш капиталистик муносабатлар натижасида юз берган ижтимоий ва маданий ўзгаришларнинг ғарб жамиятларидаги ёшлар ҳаётида акс этган жиҳатларини ўрганиш туфайли шаклланган қараш бўлиб, бошқа жамиятларга тадбиқ этишда муаммоларни келтириб чиқариши мумкин. Маданий ўзгаришлар кўпгина маданиятларда “ёшлар” тушунчаси мазмунини ўзгартириб юборди<sup>9</sup>. Африка қитъасидаги баъзи урф-одатларга асосланган жамиятларда социологик тушунча ҳисобланган “ёшлар” умуман мавжуд эмас<sup>10</sup>.

Ёшлар борасидаги социологик қараш уларнинг жамиятдаги ижтимоий мақомининг доимий ноаниқлигига эътибор қаратади. Ёшлар ўзини на тугалланган болалик ва на етук вояга етмаганлик ўртасидаги ўтиш даврида кўрадилар<sup>11</sup>. Ёшлар умумий маънода болалик ва вояга етганлик ўртасидаги ҳаёт давридир<sup>12</sup>. Бироқ баъзи жамиятларда болалар тўғридан-тўғри “вояга етиш” босқичига ёшлик босқичини босиб ўтмасдан ўтиши мумкин. Бунда улар ижтимоий-иқтисодий шароитлар сабаб болаликдаёқ муайян касбларни эгаллашлари ва эрта иқтисодий мустақилликка эришишга мажбур бўлишади. Шунингдек, ўспиринлик даврида кечадиган жараён ҳисобланадиган жинсий ҳаётга қизиқиш ёши ёшариб болалар орасида кучайиб бораётганлиги ҳам ёшларнинг ижтимоий, психологик-физиологик ёш чегараларини анъанавий тарзда белгилашни савол остига қўяди.

Шу боис, ёшлар тушунчасига таъриф беришдаги муҳим детерминантлардан бири уларнинг ижтимоий-биологик ёш чегара-сини белгилаш бўлиб, бу инсон ёшини даврийлаштиришдаги асосий масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Инсон ёшини даврийлаштиришда ёшлар ёш даврини аниқлаш турли баҳсларга сабаб бўлди. Масалан, Б. А. Ручкин фикрига кўра, ёшлар ёшини тадқиқотнинг яхлит объекти сифатида ўрганиш мураккаб бўлиб, индивидлар томонидан ёш даврнинг боши ва охирида бажариладиган ижтимоий функциялар фарқ

<sup>5</sup> Суртаев В. Я. Молодежь и культура. – СПб.: Изд-во СПб. гос. ун-та культуры и искусств, 1999. – 224 с.

<sup>6</sup> Социологический словарь / Под ред. Г. В. Осипов, Л. Н. Москвичев. – М.: Норма, 2008. – 607 с.

<sup>7</sup> Митягина Е. В., Бушкова-Шиклина Э. В. Молодёжный потенциал: понятийные границы и возможности социологического измерения // Инновационный потенциал современной молодежи: проблемы и условия развития. – Киров: Изд-во ВятГГУ, 2010. – С. 8–19.

<sup>8</sup> Умарали Қодиров. Ёшларни деструктив таъсирлардан ҳимоялашнинг психологик жиҳатлари. – Т.: 2013, 26-бет.

<sup>9</sup> Bucholtz, M. Youth and Cultural Practice. Annual Review of Anthropology, 2002, Vol. 31 (2002), 529-6ет.

<sup>10</sup> Anne-Marie Peatrik. Towards an anthropology of youth in Africa. Ateliers d'anthropologie [En ligne], 47 | 2020, mis en ligne le 14 janvier 2020, consulté le 20 avril 2025. URL : <http://journals.openedition.org/ateliers/12620> ; DOI : <https://doi.org/10.4000/ateliers.12620>

<sup>11</sup> R, Mahboubi and Belaadi, B. The Concept of youth:a sociological eye. // Algerian Scientific Journal Platform. Volume: 08/ № 03(2023), P 215-234. 221-бет.

<sup>12</sup> Henze V. On the Concept of Youth – Some Reflections on Theory// Schäfer, Isabel, ed. (2015): Youth, Revolt, Recognition – The Young Generation during and after the “Arab Spring”. Berlin:Mediterranean Institute Berlin (MIB)/HU Berlin. 5-6ет.

қилади. У ёшлар ижтимоийлашув жараёнини ўрганишда 3 даврга ажратишни тақлиф этади: ўсмирлар – 18 ёшгача, ёшлар – 18-24 ёш, вояга етганликнинг илк босқичи – 25-30 ёш<sup>13</sup>. Ёшлар ёш даврини белгилашда муайян даврларда бажариладиган ижтимоий функциялар ўртасидаги фарқ асосий мезон бўлиб хизмат қилмоқда. Масалан, бир қатор тадқиқотчилар, ёшлар ёш чегарасини меҳнат фаолияти билан боғлайдилар. А.Э.Котляр қуйи чегарани “меҳнат фаолиятига киришишнинг очилиши” билан, юқорисини эса “меҳнат ва ижтимоий барқарорликка эришганлик” билан белгилайди. Унга кўра, меҳнат ва ижтимоий барқарорлик деганда саводхонлик, иқтисодий мустақиллик тақдим этувчи ишлар, муайян касбга эгаллик, оила қуриш, ота-онадан мустақил турар жойга эга бўлиш, фарзанд туғиш ва бошқалар тушунилади<sup>14</sup>. Шунингдек, ижтимоий ресурс ёндашувида ёшлар ёш чегарасини 18 дан 30 ёшгача қилиб белгилашади<sup>15</sup>.

Ёш чегарасини белгилашда ижтимоий-маданий мезонлардан ташқари уларнинг физиологик-психологик ривожланишига асосланган ёндашув ҳам мавжуд. Масалан, умумий тиббиёт соҳасида ўспиринликнинг тугаши ва ёшликнинг бошланиши хотин-қизлар учун 14-15 ёш, ўғил болалар учун 15-16 ёшлар атрофида рўй берадиган жинсий хусусиятларнинг пайдо бўлиши билан бегиланиш қабул қилинган<sup>16</sup>.

Ёшларнинг ёш чегарасини белгилашда жаҳонда турлича мезонлар қабул қилинган. Масалан, Африка ёшлар хартиясида 15-35 ёшдагилар ёшлар сифатида таърифланган, Ёшлар яшаш муҳити эса 15-39 ёшдагиларни ёшлар деб белгилайди. Қозоғистонда 14-35 ёшдаги фуқаролар ёшлар ҳисобланса, Нигерияда ёшлар 18-35 ёшдаги аҳолини қамраб олади<sup>17</sup>. Австрияда 14-18 ўртасидаги аҳоли ёшлар сифатида назарда тутилади, Белгияда 12-30 ёшлилар ёшлар гуруҳига киритилади. БМТ 15-24 ёшдаги шахсларни “ёшлар” дея қабул қилади. 14 ёшгача бўлганлар эса болалар дея ҳисобланилади<sup>18</sup>. БМТ маълумотларига кўра, бугунги кунда 15 ёшдан 24 ёшгача бўлган ёшлар 1,2 млрд нафарга етган бўлиб, дунё аҳолисининг 16 фоизини ташкил этади. 2030 йилгача - Барқарор тараққиёт мақсадларига эришиш муддатида - ёшлар сони 7 фоизга ўсиб, 1,3 млрдга етиши кутилмоқда. Статистика агентлиги маълумотларга кўра, 2024 йил 1 январь ҳолатига юртимизда 14–30 ёшдаги жами доимий аҳоли

сони 9,6 млн нафарни ташкил этган.

Бугун мамлакатимизда юқоридаги таҳлил ва сўнги тенденциялардан келиб чиққан ҳолда ёшлар сиёсатини амалга ошириш долзарб аҳамият касб этади. Ёшларга нисбатан эскича қарашлар асосида ёндашув мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларнинг жуда тез ўзгариб бораётган ёшлик даври талабларини эътибордан четда қолдирилишига, натижада уларнинг манфаатлари сиёсатда акс этмай қолишига олиб келади. Бу ўз навбатида ёшларнинг фаол бунёдкор манбадан деструктив манбага айланишини таъминлайди. Социологик ва антропологик изланишлар ёшларнинг ҳаётий мақсадлари ва уларга эришиш ўртасидаги номувофиқлик кучайиб бораётганлиги, қолаверса уларда қадриятий мўлжалларнинг нисбий мустақил тарзда шаклланиши жамият ва ҳукумат олдига мураккаб, зиддиятли вазифаларни бир вақтнинг ўзида ҳал этишни талаб этади. Баъзи ҳолатларда ижтимоий-маданий ўзгаришлар сабаб ёшларнинг ҳукуматдан кутган сиёсати амалга оширилаётган сиёсатдан анча фарқ қилиши мумкин. Чунки олиб борилаётган сиёсатда ифодаланган муайян қадриятлар ёшларда шаклланаётган қадриятлардан бир оз фарқ қилиши ёки уларга зид бўлиши мумкин. Бунда ёшларга фақат иқтисодий-ижтимоий кўмак дастурларининг ўзигина етарли бўлмайди. Уларда қадриятларнинг мувозанатлашган ҳолда шаклланиши учун шарт-шароитларни яратиш жуда муҳим вазифа ҳисобланади.

Бундан ташқари, бугунги кунда ёшлар тушунчасининг истилоҳдаги англами ва илмий талқини ўртасидаги жуда катта фарқ мазкур соҳада олиб борилаётган сиёсатни қайта кўриб чиқишга ундайди. Аслида ёшлар ким-у, бу расмий сиёсатда қандай акс этган. Мана шу масала ёшлар сиёсатидаги асосий ҳал этилиши лозим бўлган масалалардан ҳисобланади. Ёшлик даврининг қисқариб кетаётганлиги ёки узокроқ давом этаётганлиги ҳолатлари ҳукумат чора-тадбирлари ва дастурларида акс этиши лозим. Анъанавий жиҳатдан етуклик даври мустақил ҳаётга тайёргарлик сифатида кўрилади. Ваҳоланки, айна шу даврда ёшлик даври давом этиб келмоқда. Етуклик даврига психологик тайёр эмаслик, барқарор даромадга эга бўлмаслик, кеч оила қуриш, фарзанд тарбиялашга тайёр эмаслик, умуман олганда ижтимоий вазифаларни бажариш учун зарур

<sup>5</sup> Ручкин Б. А. Молодежь и становление новой России // СОЦИС – 1998. – № 5. – С. 90–98.

<sup>10</sup> Котляр А. Э. О понятии рынка труда // Вопросы экономики. – 2001. – № 1. – С. 33–45.

<sup>11</sup> Митягина Е. В., Бушкова-Шиклина Э. В. Молодёжный потенциал: понятийные границы и возможности социологического измерения // Инновационный потенциал современной молодежи: проблемы и условия развития. – Киров: Изд-во ВятГГУ, 2010. – С. 8–19.

<sup>12</sup> Grawitz, M. (2004). *Lexique des sciences sociales*. Paris: Dalloz. 244-бет.

<sup>17</sup> [www.wikipedia.org](http://www.wikipedia.org)

<sup>18</sup> [www.un.org](http://www.un.org).

бўладиган кўникма ва билимларга эга бўлмаслик бугунги кун етуклик даврига етишган шахсларда кўп кузатилаётган ҳолатлар ҳисобланади. Аксинча, ижтимоий-иқтисодий қийинчиликлар сабаб ўспиринлик давридаёқ етуклик даври кўникмаларини эгаллашга мажбур бўлаётган ёшлар ҳам мавжудлигини инкор этиб бўлмайди. Масалан ҳали мактабни битирмасдан ёки битирган заҳоти меҳнат миграциясига жўнаб кетаётган ёшлар талайгина. Улар мана шу давр мобайнида нафақат муайян касбни эгаллашади балки иқтисодий мустақилликка, у орқали эса болалик ёки ёшлик давридан етуклик даврига эрта қадам қўйган бўлади. Ушбу ҳолатда мазкур шахснинг руҳий-маънавий ва ижтимоий-сиёсий қарашлари ўз тенгдошлариникидан анча илгарилаб кетиши табиий ҳол. Шу боис ёшлар борасида дифференциаллашган ёндашув асосида сиёсий қарорлар қабул қилиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Шу билан бирга глобаллашув сабаб ёшларда ўз ҳаётида мустақил қарорлар қабул қилишга бўлган интилиш ва уларнинг бунга қанчалик тайёр эканлиги масаласи ҳам диққатга сазовор масалалардан ҳисобланади. Эркин ҳаёт тарзи ва мустақил ҳаётга тайёрланиш имкониятлари

ўртасидаги номувофиқлик ёшларда инфантилизмга олиб келувчи ёки марги-наллашувга сабаб бўлувчи асосий омиллардан ҳисобланади.

Хулоса. Ёшлар мамлакат келажаги деган фикрнинг моҳияти уларни фақат турли бузғунчи гоёлар-у оммавий маданиятдан асрашдангина иборат бўлмай, балки уларни тўхтовсиз ўзгариб бораётган замон талабларига мослашишга кўмак берадиган ҳаётий кўникмаларни ва қадриятларни шакллантиришни ҳам ўз ичига олиш керак. Бунини фақат ҳукумат олиб бораётган сиёсат билан ёки сийсий қарорлар қабул қилиш билангина амалга ошириб бўлмайди. Бу ушбу соҳада кампаниябозликнинг авж олиши оқибатда яхши ташаббусларнинг тезда самарасини йўқолишига олиб келади. Кенг жамоатчиликни жалб қилиш ва фуқароларнинг ўз ташаббускорлигига асосланган қулай эркин муҳитни яратиш асосий эътибордаги масалага айлансагина кўзланган мақсадларга эришиш мумкин. Шу орқали ёшлардаги эркин ҳаёт тарзига интилишни жамият манфаатларига хизмат қилдиришга тўғри йўналтириш, қолаверса мустақил ҳаётга тайёрловчи зарурий кўникмаларни эгаллашларига ёрдам берса бўлади.

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Bucholtz, M. Youth and Cultural Practice. Annual Review of Anthropology, 2002, Vol. 31 (2002), pp. 525-552.
2. European Union, 2015.
3. Grawitz, M. (2004). Lexique des sciences sociales. Paris: Dalloz. 244-бет.
4. Henze V. On the Concept of Youth – Some Reflections on Theory// Schäfer, Isabel, ed. (2015): Youth, Revolt, Recognition – The Young Generation during and after the “Arab Spring”. Berlin:Mediterranean Institute Berlin (MIB)/HU Berlin. 5-бет.
5. Mahboubi, R., Belaadi, B. The Concept of youth:a sociological eye. // Algerian Scientific Journal Platform. Volume: 08/ № 03(2023), P 215-234. 221-бет.
6. www.un.org
7. www.wikipedia.org
8. Кон И. С. В поисках себя: Личность и ее самосознание. – М.: Политиздат, 1987. – 366 с.
9. Котляр А. Э. О понятии рынка труда // Вопросы экономики. – 2001. – № 1. – С. 33–45.
10. Лисовский В. Т. Советское студенчество. Социологические очерки. – М.: Мысль, 1990. – 216 с.
11. Митягина Е. В., Бушкова-Шиклина Э. В. Молодёжный потенциал: понятийные границы и возможности социологического измерения // Инновационный потенциал современной молодежи: проблемы и условия развития. – Киров: Изд-во ВятГГУ, 2010. – С. 8–19.
12. Ручкин Б. А. Молодежь и становление новой России // СОЦИС – 1998. – № 5. – С. 90–98.
13. Салагаев А. Л., Шашкин А. В. Молодежные группировки: опыт пилотного исследования // СОЦИС – 2004. – № 9. – С. 50–58.
14. Социологический словарь / Под ред. Г. В. Осипов, Л. Н. Москвичев. – М.: Норма, 2008. – 607 с.
15. Суртаев В. Я. Молодежь и культура. – СПб.: Изд-во СПб. гос. ун-та культуры и искусств, 1999. – 224 с.
16. Қодиров, У. Ёшларни деструктив таъсирлардан ҳимоялашнинг психологик жиҳатлари. –Т.: 2013, 236 бет.

**Abstract:** This article provides a theoretical analysis of the essence and content of the concept of “youth” and the definitions given to it in the social and humanitarian sciences. It demonstrates that, in implementing youth policy, identifying the biological, psychological, cultural, and social age criteria that define the concept of “youth” is of crucial importance for developing programs and measures.

**Keywords:** age, youth, biological age, adulthood, labor, citizen, group, sociological interpretation, anthropological interpretation.

# O‘ZBEKISTON YOSHLARI FAROVONLIGINING TAHLILI: JAHON QADRIYATLARI TADQIQOTI (WORLD VALUES SURVEY) MA’LUMOTLARI ASOSIDA

**Ra’no AXMEDOVA,**

*O‘zbekiston Respublikasi yoshlar ishlari agentligi huzuridagi Yoshlar muammolarini o‘rganish va istiqbolli kadrlarni tayyorlash instituti tayanch doktoranti.*

**Annotatsiya:** Maqola O‘zbekiston yoshlari farovonligini tadqiq etishga bag‘ishlangan bo‘lib, uning metodologik asosini World Values Survey (WVS) ma’lumotlari tashkil etadi. Tadqiqotda oltinchi (2011) va yettinchi (2022) to‘liqlarning kodlangan ma’lumotlari ikkilamchi tahlil qilingan. Tahlil jarayonida nafaqat an’anaviy iqtisodiy ko‘rsatkichlar, balki baxt va hayotdan qoniqish darajasi, sog‘liq va moliyaviy ahvolni baholash kabi subyektiv indikatorlar ham qamrab olingan. Bunday multidisiplinar yondashuv ijtimoiy-madaniy muhitdagi dinamik o‘zgarishlarni aniqlash hamda yoshlar hayoti sifatiga bevosita ta’sir etuvchi omillarni belgilash imkonini beradi. Olingan xulosalar davlatning yoshlarga oid siyosati va ijtimoiy rivojlanish strategiyalarini ishlab chiqishda, inson kapitalini mustahkamlashga qaratilgan tashabbuslarni qo‘llab-quvvatlashda muhim ahamiyatga ega.

**Kalit so‘zlar:** yoshlar, farovonlik, World Values Survey, baxt darajasi, hayotdan qoniqish, moddiy holatni baholash.

**KIRISH.** Yoshlarning moddiy farovonligi nafaqat ularning asosiy ehtiyojlarini qondirish qobiliyatini, balki jamiyatdagi ijtimoiy harakatchanlik, turmush darajasi va umumiy barqarorlikni shakllantirishda ham muhim rol o‘ynaydi. So‘nggi o‘n yilliklarda ushbu hodisani o‘rganishning ilmiy yondashuvlari va uslublari an’anaviy va innovatsion usullarni qamrab olgan holda sezilarli darajada kengaydi. Tadqiqot amaliyotida ushbu hodisani o‘rganishda axborot-kommunikatsiya texnologiyalaridan (AKT) foydalanishga e’tibor kuchaymoqda. Bu esa onlayn so‘rovlar, ijtimoiy tarmoqlar monitoringi, katta hajmdagi ma’lumotlar tahlili kabi yangi usullar yordamida ma’lumotlarni to‘plash va tahlil qilish imkonini bermoqda.

Moddiy farovonlikni aniqlashning nazariy yondashuvlarini ko‘rib chiqaylik. «Moddiy farovonlik» atamasi odatda daromad darajasi va mulk holati bilan bog‘liq. Biroq zamonaviy tadqiqotlarda bu tushunchaning ta’lim, sog‘liqni saqlash va ish joylari imkoniyatlari, shuningdek, hayot sifati kabi jihatlarni

qamrab olgan yanada kengroq talqini paydo bo‘lmoqda.

Yoshlarning moddiy farovonligini qo‘llab-quvvatlashga innovatsion yondashuvlar haqida so‘z yuritganda, so‘nggi yillarda ko‘plab mamlakatlar yoshlarning moddiy ahvolini yaxshilash uchun yangi dasturlar ishlab chiqa boshlaganini ta’kidlash lozim. Bu dasturlarga uy-joy subsidiyalari, bepul ta’lim va sog‘liqni saqlash xizmatlaridan foydalanish imkoniyatlari, shuningdek, yoshlar orasida startaplar va tadbirkorlikni rag‘batlantirish dasturlari kiradi. Misol uchun, Yevropa Ittifoqi mamlakatlarida mehnat migratsiyasi dasturlari joriy etilgan. Bu dasturlar kambag‘al hududlardan kelgan yoshlarga boshqa mamlakatlarda ish topishga ko‘maklashib, ularning moliyaviy ahvolini yaxshilashga xizmat qilmoqda [1].

Yoshlarning moddiy farovonligini o‘rganishning zamonaviy metodologiyalari nazariy yondashuvlar va amaliy usullarning keng qamrovini o‘z ichiga oladi. Miqdoriy va sifatiy tadqiqotlarni uyg‘unlashtirish, shuningdek, ko‘p omilli ko‘rsatkichlar va subyektiv

baholardan foydalanish ushbu murakkab hodisa-ning yanada to'liqroq manzarasini yaratish imkonini beradi. Ushbu tadqiqotlar asosida yoshlarning moddiy ahvolini yaxshilash, ularning ijtimoiy harakatchanligini oshirish va hayot sifatini yuksaltirishga qaratilgan samarali siyosatni ishlab chiqish mumkin.

**METODOLOGIYA.** Yoshlar farovonligini oshirish mexanizmi sifatida axborot-kommunikatsiya makonining ta'sirini o'rganish maqsadida ma'lumotlarni ikkilamchi tahlil qilish usuli asosida tadqiqot o'tkazildi. Jahon qadriyatlari tadqiqoti (World Values Survey, WVS) ning ochiq joylangan kodlashtirilgan ma'lumotlari asosida farovonlik ko'rsatkichlariga tegishli natijalar tahlil qilindi [2]. WVS - ijtimoiy fanlar sohasidagi olimlar tarmog'i bo'lib, u qadriyat yo'nalishlarini va ularning ijtimoiy-madaniy rivojlanish, hayot sifati hamda demokratiyaga ta'sirini o'rganadi. WVS EVS (European Values Study) asosida vujudga kelgan. Ma'lumotlar bazasida respondentlarning turli hayotiy qadriyatlarga munosabati haqidagi savollarga bergan javoblari saqlanadi. Bundan tashqari, bazada respondentlarning shaxsiy xususiyatlari va ularning oila a'zolari haqida ma'lumotlar mavjud. Unda din, siyosat, axloqiy qarashlar va qadriyatlar masalalari yoritilgan. So'rovnomalarda respondentlarning bandligi va daromadlari to'g'risidagi savollar ham o'rin olgan. World Values Survey ma'lumotlar bazasi 1981-yildan 2022-yilgacha bo'lgan davrda (1981-1984, 1990-1994, 1995-1998, 1999-2004, 2005-2009, 2010-2014 va 2017-2022) dunyoning

90 ta mamlakatidan to'plangan ma'lumotlarni o'z ichiga oladi. Bu ma'lumotlar insoniy qadriyatlarining o'zgarishi va ularning jamiyatning ijtimoiy-madaniy hayotiga ta'sirini o'rganishga qaratilgan [3].

#### ASOSIY QISM

WVS so'rovnomasi yoshlar farovonligining barcha muhim ko'rsatkichlari bo'yicha savollarni qamrab oladi. Shu sababli biz ushbu tadqiqot ma'lumotlarini yoshlar farovonligini aniqlash uchun asos sifatida tanlashga qaror qildik. O'rganishlarimiz natijasida yoshlar farovonligini tadqiq etish bo'yicha asosiy indikatorlar tanlab olgan edik: baxt va hayotdan mamnunlik darajalari, salomatlik, moddiy ahvolni baholash, xavfsizlik, axborot-kommunikatsiya texnologiyalaridan foydalanish, bandlik va ta'lim [4,5,6]. Ushbu maqolada WVS tadqiqotining kodlangan ma'lumotlari asosida baxt va hayotdan mamnunlik darajalari, salomatlik, moddiy ahvolni baholash kabi indikatorlar javob bloklari ikkilamchi tahlil qilindi. Keyingi bosqichlarda xavfsizlik, axborot-kommunikatsiya texnologiyalaridan foydalanish, bandlik va ta'lim kabi indikator bloklar bo'yicha natijalari ham e'lon qilinadi.


Shu bilan birga, yuqorida keltirilgan indikatorlar bo'yicha asosiy va yetarlicha to'g'ridan-to'g'ri savollar asosida tadqiqotning oltinchi va yettinchi to'liqlari ma'lumotlarini qiyosiy tahlil qilindi. Ma'lumotlar SPSS va Microsoft Excel dasturlari yordamida qayta ishlandi. Tahlil boshida biz ma'lumotlarni faqat 18-30 yoshdagi yoshlar kesimida ko'rsatishga moslashtirib oldik (1-rasm).

GL	KG	KH	KV	KW	LD
Q162	Q260	Q261	Q275	Q275A	Q279
10	1	1992	6	860005	1
5	1	1999	6	860005	4
1	2	1996	2	860002	1
7	1	1994	6	860005	2
1	2	1994	6	860005	1
1	1	1990	4	860004	2
5	1	1999	4	860004	1

1-rasm. Respondentlarning yoshi va tanlangan savollar bo'yicha kodlangan ma'lumotlar saralanishi

WVS ma'lumotlariga ko'ra, 2022-yilgi tadqiqot jami 1200 ta rasmiy intervyuni o'z ichiga olgan bo'lib, ularning 605 nafari yoshlardan iborat. 2011-yilda o'tkazilgan shunga o'xshash tadqiqotda 482 nafar yosh ishtirok etgan. Respondentlarning

ushbu soni 4% xatolik chegarasi bilan tanlanmaning vakilligini ta'minlash uchun yetarli hisoblanadi. Respondentlarning jinsi haqidagi ma'lumotlar bilan quyidagi diagrammada tanishish mumkin (2-rasm).




2-rasm. Respondentlar jinsi

O'zbekiston yoshlari farovonligini oshirish mexanizmi sifatida axborot-kommunikatsiya makonini o'rganish doirasida, yoshlar farovonligi ko'rsatkichlarini tadqiq etish masalasi dolzarbdir. Bu masala umumiy jihatdan ushbu makondagi yoshlarning ahvoli, kayfiyati va hayotdan mamnunligi haqida tasavvur hosil qiladi. Bundan tashqari, mazkur savollar hayotning turli jabhalarida yoshlarning dolzarb muammolari to'g'risida ma'lumot berishi mumkin. Shu boisdan, tadqiqot so'rovnomasining boshida respondentlarning o'z ahvoriga bergan subyektiv baholari aniqlanadi. Keyingi bosqichda esa axborot-kommunikatsiya texnologiyalarining ularning turmush darajasini oshirishdagi ta'sirini qamrab oluvchi savollar guruhi taqdim etiladi.

Respondentlar o'z ahvollariga subyektiv baho


berish maqsadida bir qator savollarga javob berishdi. So'rovnomaning birinchi savoli yoshlarning baxtlilik darajasini subyektiv baholashdan iborat edi. «O'zingizni baxtli deb ayta olasizmi?» degan savolga respondentlarning yarmidan ko'pi (54,4%) o'zlarini juda baxtli ekanliklarini bildirdilar, 39,8% hayotlaridan mamnun ekanliklarini ko'rsatdilar, 4,6% esa o'zlarini baxtli his qilmasliklarini ta'kidladilar. Ushbu ma'lumotlar Jahon baxt hisobotining natijalariga mos keladi. Unga ko'ra, O'zbekiston eng baxtli mamlakatlar reytingida 143 davlat orasida 47-o'rinni egallaydi [7]. Shunday qilib, mazkur tadqiqot natijalari mamlakatdagi baxtlilik darajasining mavjud ko'rsatkichlarini tasdiqlaydi va to'ldiradi (3-rasm).



3-rasm. Baxt darajasini baholash

Baxt darajasini subyektiv baholash bo'yicha javoblarni umumlashtirib, so'rovda qatnashgan yoshlarning deyarli barchasi (94,2%) o'zini baxtli deb hisoblaydigan xulosaga kelindi. Respondentlarning «juda baxtli» va «yetarlicha baxtli» javoblarini umumiy yig'indi sifatida ko'rib chiqilganda, 2011-yilgi WVS tadqiqotining 6-to'lqinidagi shunga o'xshash savol ma'lumotlariga ko'ra, O'zbekiston yoshlarining


98,4 foizi baxtli edi. Demak, 2022-yil ma'lumotlariga ko'ra, bu ko'rsatkich 4,2 foizga pasaygan. Bu esa ikki barobar ko'proq respondentlar o'zlarini unchalik baxtli emas deb ta'kidlaganlarini anglatadi (5,7%). Mazkur ko'rsatkich yoshlarning ushbu avlodida o'z hayotidan norozilik tendensiyasi ortib borayotganini ko'rsatishi mumkin, holbuki 10 yil oldin yoshlar ancha baxtliroq bo'lgan (4-rasm).



4-rasm. Baxt darajasi baholarining taqqoslanishi

Keyingi savol hozirgi vaqtidagi o'z sog'lig'ini subyektiv baholashdan iborat edi, bunda yoshlarning ko'pchiligi o'z sog'lig'ining ijobiy holatini qayd etishdi (5-rasm). 2022-yilda yoshlarning 14,4 foizi sog'lig'ini qoniqarli deb baholagan bo'lsa, 2011-yilda bu

ko'rsatkich ikki baravar past (7,1%) edi. Shundan kelib chiqib, sog'liqni saqlash tizimi o'z rivojlanishida yetarlicha salbiy yo'nalishga ega, degan xulosaga kelish mumkin.



5-rasm. Salomatlik darajasini baholashning qiyosiy tahlili


Salomatlik statistikasini keltirar ekanmiz, Jahon sog'liqni saqlash tashkiloti ma'lumotlariga ko'ra, funksional buzilishlar 10-14 yoshdagi o'smirlarning 10 foizida va 15-17 yoshdagi o'smirlarning 11 foizida eng keng tarqalganligini ta'kidlash joiz. Shuningdek, butun dunyo bo'yicha 10 yoshdan 19 yoshgacha bo'lgan har yettinchi yosh (14%) ruhiy kasalliklardan aziyat chekmoqda [8]. Tadqiqotimizga ko'ra, yoshlarning 14,4 foizi o'z salomatlik holatini qoniqarli, 1,3 foizi esa umuman yomon deb hisoblasa, bu salomatlik ko'rsatkichlari dunyo bo'yicha ko'rsatkichlardan ikki baravar yuqori ekan. O'smirlar va yoshlardagi bunday sog'liq muammolari ijtimoiy qiyinchiliklar, ruhiy kasalliklar, psixoaktiv moddalarni iste'mol qilish va kiber-ijtimoiylashuv tufayli kelib chiqishi mumkin.

Farovonlik darajasini oshirishning muhim omili odamlarning o'z hayotida ijobiy o'zgarishlarni amalga oshirishga bo'lgan ruhiy tayyorgarligi hisoblanadi. Ushbu fikr ikki tomonlama nazariy asosga ega. ikki tomonlama nazariy asosga ega. Sotsiologik nuqtai nazardan, bu tayyorgarlik insonlarga R. Merton tomonidan ishlab chiqilgan tarkibiy imkoniyatlar (masalan, yuqori ijtimoiy mobillik) [9] va P. Burdye [10] yoki J. Kolman [11] tomonidan ta'riflangan ijtimoiy kapitalni kengaytirish uchun yangi ijtimoiy tarmoqlarga muvaffaqiyatli integratsiyalashishga imkon beruvchi ijtimoiy-psixologik vositachi vazifasini o'taydi. Bunday tayyorgarlikning yo'qligi ijtimoiy cheklov va resurslar doirasining torayishiga

olib keladi. Psixologik jihatdan esa, tayyorgarlik J. Prochaska va K. DiKlemente yaratgan transteoretik modeliga asoslangan asosiy ichki resurs bo'lib, u harakatga o'tish uchun "Tayyorgarlik" bosqichi sifatida qaraladi [12]. Bu fikr, shuningdek, A. Banduraning O'z-o'zini samaradorlik nazariyasi [13] va F. Luthans tomonidan taklif qilingan Psixologik kapital (PsyCap) konsepsiyasiga [14] tayanadi. PsyCap zarur bo'lgan o'z-o'zini samaradorlik, umid va barqarorlikni ta'minlab, tarkibiy imkoniyatlar shaxsiy darajada yuqori farovonlikka erishish uchun muvaffaqiyatli amalga oshirilishini kafolatlanishini nazarda tutadi.

Xususan, yoshlar o'z hayotlarining kechishiga qay darajada ta'sir ko'rsatadi, degan savolga faqat uchdan bir qismi (31,6%) o'zlarining kuchli ta'sirini ta'kidlagan bo'lsa, 3,5 foizi buning mutlaqo aksini bildirgan (6-rasm).

Bu o'rinda shkala ko'rsatkichlarini ijobiylik va salbiylik darajasiga ko'ra guruhlash maqsadga muvofiq. Agar shkala bo'yicha 1 dan 3 gacha bo'lgan baholar (12,6%) yoshlarning o'z hayotiga ta'sirining zaifligini ko'rsatsa, 4-6 baholarni (25,8%) bu masalada yetarlicha ikkilanishni aks ettiradigan neytral ko'rsatkichlar deb hisoblash mumkin. Shkala bo'yicha 7-10 ko'rsatkichlar birgalikda 61,3 foizni tashkil etadi. Demak, yoshlarning aksariyat qismi o'z hayoti ustidan muayyan nazoratni his qiladi. Shu bilan birga, atigi 2 nafar respondent javob berishdan bosh tortgan.



**6-rasm. O'z hayotiga ta'sirni baholash**

Keyingi savollar bloki yoshlarning ruhiy holatini o'rganishni davom ettirib, ko'proq ularning hayotdan qoniqishini aniqlashga qaratilgan. Hayotidan mutlaqo qoniqmagani yoshlar 4,1 foizni, to'liq qoniqqanlar esa 24,1 foizni tashkil etdi. Ta'kidlash joizki, 4-6 ball shkalasi bo'yicha jami 29,4 foiz

yetarli darajada qoniqishini bildirgan. Buni 7-10 ball oralig'idagi umumiy natijalar ham tasdiqlaydi - respondentlarning yarmidan ko'pi (54%) o'z hayotidan mamnunligini ifodalagan.

Yoshlarning 5 foizi o'z moliyaviy ahvolidan qoniqmasligini bildirgan bo'lsa, ularning beshdan bir

qismi (20,5%) to'liq qoniqish hosil qilgan. Bu yerda 4-6 shkalalar bo'yicha yetarlicha yuqori ko'rsatkichlar mavjud bo'lib, jami respondentlarning uchdan bir qismini (31,8%) tashkil etadi. Shuningdek, shkala bo'yicha 7-10 ballni umumlash tirganda, yoshlarning

yarmidan ko'pi (53,7%) o'z moliyaviy ahvolidan mamnunligini ko'rish mumkin. Yana bir bor ta'kidlash lozimki, yoshlarning umuman hayotidan qoniqishi haqidagi savolga ham xuddi shunday umumiy ko'rsatkich xos bo'lgan (1-jadval).


#### O'z hayoti va moliyaviy ahvolidan qoniqish darajasi

1-jadval

Shkala	O'z hayotidan mamnunlik	Moliyaviy ahvoldan qoniqish
Butunlay norozi	4,1%	5,0%
2	8,9%	5,6%
3	3,5%	3,1%
4	7,3%	5,0%
5	12,7%	13,6%
6	9,4%	11,4%
7	12,4%	12,6%
8	11,6%	14,9%
9	6,0%	8,4%
to'liq qoniqqan	24,1%	20,5%
Javob yo'q	-	-

Taqqoslash maqsadida respondentlarning ijobiy va salbiy javoblarini umumlash tirganimizda, 2022-yilda hayotdan mamnun bo'lgan yoshlar soni atigi 2/3 qismni (61,3%) tashkil etgani ma'lum bo'ldi. Bu ko'rsatkich tadqiqotning 6-to'liqinidagi 83,2 foizlik


natijadan sezilarli darajada farq qiladi. Hayotdan qoniqish darajasidagi farq 21,8 foizni tashkil etib, bu yoshlar orasida hayotdan mamnunlik darajasi pasayib borayotganini ko'rsatmoqda (7-rasm).



7-rasm. Hayotdan qoniqish darajasini taqqoslash

Tadqiqotning 6-to'liqinida ishtirok etgan respondentlarning 65,4 foizi moliyaviy qoniqishni bildirgan, bu joriy to'liqin natijalaridan 7,6 foiz (57,7 foiz) yuqoridir. Norozilar soni 7-to'liqinga (5%)

nisbatan 1,6 foizga ko'payib, 6,6 foizni tashkil etdi. O'n yillik farq bilan, o'z moliyaviy ahvolidan mamnun bo'lgan yoshlar soni o'rtacha 480 ming nafarga kamaydi (8-rasm).



**8-rasm. Respondentlarning moliyaviy qoniqishini taqqoslash.**

Hayotdan mamnunlik faqatgina odamlarning subyektiv qoniqishini aks ettiruvchi ko'rsatkich emas. Aslida, u davlat tomonidan to'laqonli hayot kechirish uchun yaratilgan ijtimoiy shart-sharoitlardan kelib chiqadi. Xususan, u bir necha sohalarni qamrab oladi: sog'liq, xavfsizlik, moliyaviy ahvol va umuman olganda, xalqning asosiy ehtiyojlarini qondirishga qaratilgan. Ushbu ta'rif "Ijtimoiy himoya tizimi" tushunchasiga mos keladi. Bu tizim jamiyatda kambag'allik va tengsizlikni kamaytirish, bandlikni qo'llab-quvvatlash, sog'liqni saqlash va aholining barcha qatlamlari uchun umr bo'yi ta'lim olish huquqini ta'minlash, oilalar va alohida shaxslarga hayotiy muammolar va qiyinchiliklarni yengishda yordam berishga qaratilgan strategiya va dasturlar majmuasidir [15]. Ya'ni, bu jamiyat a'zolarining oziq-ovqat va boshpana kabi insonning asosiy ehtiyojlarini qondira olishini ta'minlashga mo'ljallangan davlatning qo'llab-quvvatlash tizimidir [16].

**XULOSA.** World Values Survey (Jahon qadriyatlarini tadqiqoti (WVS)) tadqiqoti yoshlar farovonligini baholashning barcha ko'rsatkichlari:

salomatlik, hayotdan mamnunlik, moddiy ahvolni baholash, xavfsizlik, axborot-kommunikatsiya texnologiyalaridan foydalanish imkoniyati, bandlik va ta'lim bo'yicha savollarni o'z ichiga oladi. Ushbu maqolada baxt va hayotdan mamnunlik darajasi, salomatlik, moddiy ahvolni baholash kabi farovonlik indikatorlari bo'yicha tadqiqot natijalarining ikkilamchi tahlili amalga oshirilgan.

Jahon qadriyatlarini tadqiqotining oltinchi (2011-yil) va yettinchi (2022-yil) to'liqlari kodlangan ma'lumotlarining ikkilamchi qiyosiy tahliliga ko'ra, yosh avlodning quyidagi holati aniqlandi: baxt darajasining 4,2 foizga pasayishi, hayotdan qoniqish ko'rsatkichlarining 21,8 foizga kamayishi, o'z salomatligini baholashning 7,8 foizga tushishi, moliyaviy holatidan qoniqishning 7,6 foizga pasayishi kuzatildi.

Yoshlar farovonligi holati bo'yicha to'liq tasavvurga ega bo'lish uchun yoshlarning xavfsizlik, bandlik, ma'lumot darajasi, axborot-kommunikatsiya texnologiyalaridan foydalanish imkoniyatlari kabi indikatorlarni ham tadqiq etish maqsadga muvofiq.

#### FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. OECD. Youth and the Labour Market. OECD Publishing, 2021.
2. World Values Survey Association. World Values Survey: Round 6 – Country-Pooled Datafile 2010–2014 – Madrid: JD Systems Institute, 2014.
3. World Values Survey Association. World Values Survey: Round 7 (2017–2022). – World Values Survey Association, 2022.
4. P.Akhmedova. Интернет как пространство массовой коммуникации. Журнал Социальных исследований, №2, 2024.
5. R.Akhmedova. Welfare as a measure of life satisfaction. Journal of Social researches, №3, 2024.
6. P.Akhmedova. Анализ некоторых индикаторов благосостояния. Журнал Социальных исследований, №SI-2, 2024.

7. <https://happiness-report.s3.amazonaws.com/2024/WHR+24.pdf>
8. World Health Organization. Adolescent mental health. – WHO, 2023.
9. Merton, R. K. Social theory and social structure. New York: Free Press, 1968. 704 p.
10. Bourdieu, P. The Forms of Capital / J. G. Richardson (Ed.) // Handbook of Theory and Research for the Sociology of Education. New York: Greenwood Press, 1986. P. 241–258.
11. Prochaska, J. O., & DiClemente, C. C. Stages and processes of self-change of smoking: Toward an integrative model of change // Journal of Consulting and Clinical Psychology. 1983. Vol. 51, № 3. P. 390–395.
12. Bandura, A. Self-Efficacy: The Exercise of Control. New York: W.H. Freeman and Company, 1997.
13. Luthans, F., Youssef, C. M., & Avolio, B. J. Psychological Capital: Developing the Human Competitive Edge. Oxford University Press, 2007. 240 p.
14. <https://telega.ph/prezident-respubliki-uzbekistan-podpisalrasporyazhenie-o-merah-po-sovershenstvovaniyu-sistemy-socialnoj-zashchity-naseleniya-re-02-17>
15. Encyclopedia Britannica. Social welfare program // Encyclopedia Britannica. – 2024.

**Аннотация:** Статья посвящена исследованию благосостояния молодежи Узбекистана, методологической основой которой выступают Исследования Мировых Ценностей (World Values Survey). В статье произведен вторичный анализ кодированных данных шестой (2011г.) и седьмой волн (2022г.). В анализ вовлечены не только традиционные экономические индикаторы, но и субъективные показатели такие, как уровень счастья и удовлетворенности жизнью, здоровье и оценка финансового положения. Такой междисциплинарный подход позволяет выявить динамику изменений в социально-культурной среде и определить факторы, непосредственно влияющие на качество жизни молодежи. Полученные выводы могут быть использованы при разработке государственной молодежной политики и стратегий социального развития, ориентированных на укрепление человеческого капитала.

**Ключевые слова:** молодежь, благосостояние, World Values Survey оценка уровня счастья, удовлетворенность жизнью, оценка финансового положения.

**Abstract:** The article is devoted to the study of youth well-being in Uzbekistan, with its methodological foundation based on the World Values Survey (WVS). A secondary analysis of coded data from the sixth (2011) and seventh (2022) waves has been carried out. The analysis includes not only traditional economic indicators but also subjective measures such as levels of happiness and life satisfaction, health status, and assessment of financial situation. This interdisciplinary approach makes it possible to identify the dynamics of changes in the socio-cultural environment and to determine the factors directly influencing the quality of life of young people. The findings can be applied in the development of state youth policy and social development strategies aimed at strengthening human capital.

**Keywords:** youth, welfare, World Values Survey, happiness level, life satisfaction, financial situation assessment.

# ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ УСУЛЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ МУҲИМ ЖИҲАТЛАРИ

Нодирхон АББАСОВ,

Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли  
кадрларни тайёрлаш институти бўлим  
бошлиғи.

**Аннотация:** Мазкур мақола, тижорат банкларида корпоратив бошқарувнинг аҳамияти, унда замонавий усулларин қўллашнинг муҳим жиҳатлари ва имкониятларига бағишланган бўлиб, муаллифлар томонидан, тижорат банкларида корпоратив бошқарув усулларини маҳаллий имкониятдан келиб чиқиб самарали фойдаланиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Калим сўзлар:** корпоратив бошқарув, стратегик мақсадлар, рақамли технология, қимматли қоғозлар бозори.

Бугунги кунда дунёда тижорат банклари корпоратив бошқарувнинг самарали усулларидан фойдаланиши молиявий барқарорликни таъминлаш, рискларни бошқариш ва инвесторлар ишончини мустаҳкамлашда ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда. Халқаро тадқиқотларга кўра, корпоратив бошқарув тизими мукамал йўлга қўйилган банкларнинг 72,4 фоизи юқори активлар бўйича даромад кўрсаткичларига эга бўлиб, бу корпоратив бошқарувнинг молиявий самарадорликка тўғридан-тўғри ижобий таъсирини кўрсатади[1].

Жаҳон миқёсида тижорат банклари корпоратив бошқарувни барқарор ривожланиш тамойиллари билан уйғунлаштиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Бу ҳолат корпоратив масъулият ва шаффофлик тамойилларининг банклар тизимида устувор йўналишга айланиб, халқаро молиявий институтлар корпоратив бошқарувни риск-менежмент тизими билан узвий боғлашни талаб этади. Шундай қилиб, тижорат банкларида корпоратив бошқарув усулларидан фойдаланиш нафақат ички самарадорликни ошириш воситаси, балки халқаро молиявий барқарорлик, рақобатбардошлик ва барқарор ривожланишнинг асосий кафолати сифатида долзарб аҳамият касб этмоқда.

Бозор муносабатларининг муҳим бўғинларидан бири бўлган банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш замирида иқтисодий ривожлантириш, халқаро банк тизими талабларига мос келувчи маҳаллий банклар фаолиятини ташкил қилиш ва улар фаолиятини янада такомиллаштириш шу куннинг долзарб вазифаларидан ҳисобланади.

Тижорат банкларида корпоратив бошқарув тизимини самарали ташкил этиш молиявий барқарорлик, ҳисобдорлик ва стратегик қарор қабул қилиш жараёнларининг асосий шарти ҳисобланади. Корпоратив бошқарув усуллари орқали банк фаолиятининг шаффофлиги таъминланади, акциядорлар, мижозлар ва жамият манфаатлари ўртасидаги мувозанат сақланади. Бу эса банк тизимида бўлган ишончни оширади ҳамда барқарор иқтисодий ривожланишга хизмат қилади.

Биринчидан, корпоратив бошқарув банк рискларини самарали бошқариш имконини яратади. Корпоратив бошқарувдаги асосий тамойиллар - раҳбарият фаолиятини назорат қилиш, ички аудит тизимини йўлга қўйиш ва риск-менежмент сиёсатини такомиллаштиришдир.

Иккинчидан, шаффофлик ва ҳисобдорлик корпоратив бошқарувнинг марказий жиҳати

ҳисобланади. Жаҳон амалиётида йирик банклар корпоратив ҳисоботларини, ESG (Environmental, Social, Governance) кўрсаткичларини ва барқарор ривожланиш стратегияларини очиқ эълон қилмоқда. Масалан, S&P 500 индексдаги банкларнинг 90 фоизидан ортиғи 2024 йилда ESG ҳисоботларини тақдим этган. Бу тенденция корпоратив бошқарувда ахборот ошқоралиги ва жамоатчилик назоратининг кучайганини кўрсатади.

Учинчидан, корпоратив бошқарув стратегияси банкнинг рақамли трансформация жараёнларида ҳал қилувчи омил сифатида намоён бўлмоқда. Рақамли банкчилик тизимларида маълумот хавфсизлиги, кибертаҳдидларга қарши чоралар ва IT-инфраструктурани самарали бошқариш фақат корпоратив бошқарув сиёсатида интеграция қилингандагина юқори самара беради. Банк директорлар кенгаши томонидан рақамли хавфларни баҳолаш ва мониторинг қилиш корпоратив бошқарувнинг янги йўналиши ҳисобланади.

Тўртинчидан, корпоратив бошқарув банкнинг ижтимоий ва экологик масъулиятини таъминлашда ҳам муҳим аҳамиятга эга. ESG тамойилларини амалиётга жорий этиш орқали тижорат банклари нафақат иқтисодий самарадорликка, балки жамият олдидаги масъулиятни бажаришга ҳам эътибор қаратмоқда. Бу жараён халқаро рейтинг агентликлари ва инвесторлар томонидан ижобий баҳоланади.

